

Иқболни
меҳнат
очар.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2010-yil 28-iyul, chorshanba № 59 (8292) ISSN 2010-6416

Kuch - bilim va tafakkurda

“ОБОД”ДАГИ ЯНГИ МАКТАБ



Наманган шаҳрида Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига муносиб совға ҳозирланмоқда. 2010 йил вилоят инвестиция дастурига мувофиқ тайёрланаётган бу тухфа шаҳардаги Ахсикент, Истикбол, Меҳнатобод, Аланга гузар ва “Обод” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида барпо этилаётган янги боғча, мактаб объектларидир. Ҳозирга қадар мазкур ҳудудлардаги мактаблар қурилиши ва таъмирлаш ишларига давлат бюджетидан 9 миллиард 166 миллион 876 минг сўм маблағ ажратилган.



Taraddud

Бугун “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини аҳлининг қувончи чексиз. Боси уларнинг бир неча йиллик орзу-ниятлари ушалди. 540 ўринга мўлжалланган замонавий икки қаватли мактаб янги ўқув йилига ҳозирланмоқда. Замонавий талабларга мувофиқ қурилаётган ушбу мактабда 26та катта, 9та кичик синф хоналари, 2та компьютер, 110 ўринли тадбирлар зали, фан ва лаборатория хоналари, 12х24^м ҳажмдаги спорт зали, 36х60^м ҳажмдаги спорт майдончаси, ўғил ва қиз болалар учун мўлжалланган душ, кийиниш хоналари, 24 ўринга эга бўлган кутубхона, 12х9^м ҳажмдаги 24 ўринли ошхона мавжуд.

(Давоми 5-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва комплекс дастурларни амалга ошириш жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт ва жамиятимиз ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантиришни, иқтисодий ўсишнинг изчил юқори суръатлари-

ни таъминлаш имконини берди.

I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2010 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетини мувозанатлаштириш, банк тизимини барқарорлаштиришга қаратилган пухта ўйланган макроиқтисодий сиёсат, ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси, хўжалик субъектлари ва аҳолининг ички эҳтиёжларини фаол рағбатлантириш, иқтисодиёт ва унинг стратегик муҳим тармоқларини техник ҳамда технологик янгилаш дастурларининг амалга оширилиши иқтисодиётни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди.

(Давоми 2-бетда.)

ТАЛАБАЛИК БАХТИГА МУШАРРАФ БЎЛИНГ!

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун ҳаяжонли дақиқалар тобора яқинлашаёттир. Тест синовларини топширишга ҳам саноқли кунларгина қолди. Ҳозир барча олий ўқув юртларида ҳужжатлар қабули тугаб, тест синовларини юқори даражада ўтказишга қизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Топширилган ҳужжатлар тартибланаяпти, синовлар ўтадиган бинолар, аудиториялар, овқатланиш ва саломатлик шаҳобчалари тахт қилинмоқда. Мухбиримиз ана шу муҳим жараён арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВга қатор саволлар билан мурожаат қилди.

— Жорий йилда олий таълим муассасаларига абитуриентлардан тушган аризалар сони қанчали ташкил этди?

— Ўзингизга маълумки, мамлакатимиздаги 12та вазирлик ва идоралар тасарруфидаги 60та олий таълим муассасаси, уларнинг 10та филиали, 2та факультетида абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш учун комиссиялар фаолият кўрсатди ва улардан Давлат тест марказига кундалик маълумотлар етказиб турилди.

Бугунги кунда олий таълим

Abituriyent-2010

муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентларнинг умумий сони 385645 нафарни ташкил этди. Ўтган йилга нисбатан олий таълим муассасаларига 48520 нафар кўп абитуриент ҳужжат топширган. Бу кўрсаткич қабул квоталарининг умумий сонига нисбатан бир ўринга ўртача 6,8 нафар абитуриент тўғри келишини кўрсатади.

(Давоми 7-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ЯРИМ ЙИЛЛИК
САРҲИСОБИ

5-бет

ЎҚИТУВЧИ-
ТРЕНЕР

Август кенгашларида
фаоллик кўрсатишга тайёр

7-бет

ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК-
ПЕДАГОГИК
КОМИССИЯЛАР
ТУҒРИСИДАГИ
НИЗОМ

11-бет

ЁЗ — ОЗ, АГАР
ЎТСА СОЗ!

15-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ўсиш 8,0 фоизни ташкил қилди. Бунда иқтисодиётнинг барча асосий тармоқлари юқори суръатда мувозанатли ривожланди: саноат маҳсулотлари ҳажми 8,0 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,9 фоиз, қурилиш ишлари 11,5 фоиз, чакана савдо 10,3 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,0 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди, инфляция даражаси 4,0 фоиз ёки прогноз параметрлар доирасида ушлаб турилди.

2010 йилнинг биринчи ярмида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми 14,3 фоиз ошди ва бунинг натижасида ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 2,5 миллиард доллардан ортди.

2010 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2009 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,0
Саноат маҳсулотлари ҳажми	108,0
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	111,8
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	106,9
Қурилиш ишлари	111,5
Чакана савдо айланмаси	110,3
Пуллик хизматлар	112,0

II. Молия-банк барқарорлигини таъминлаш

Банк тизимининг жами капитали жорий йилнинг биринчи ярмида 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 44,5 фоиз, миқдорнинг банкдаги депозитлари қолдиғи 67,2 фоиз, аҳолининг кредит ташкилотларидаги маблағлари 78,1 фоиз кўпайди. Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдорида муддатли ва жамғарма омонатларининг улуши 86,2 фоизни ташкил қилди. Натижада банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 триллион сўм ёки 34,3 фоиз ошди.

Банклар ресурс базасини янада кўпайтириш иқтисодиёт реал сектори корхоналарига кредит ажратиш ҳажмини сезиларли даражада оширишни таъминлади. Банкларнинг реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиқлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37,5 фоиз ўсди.

Бунда муддати 3 йилдан ортиқ бўлган узоқ муддатли кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар ўсди, уларнинг умумий кредит қўйилмаларидаги улуши 65 фоиздан 74 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларнинг қиймати 518 миллиард сўмга тенг кредитлари ёки 2009 йилнинг шу даврига қараганда 2,3 баравар кўп маблағи йўналтирилди. Натижада умумий капитал

қўйилмалар ҳажмида тижорат банклари томонидан ўзлаштирилган кредит ресурслари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига қараганда 2 баравардан ошди.

Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 2009 йилнинг шу даврига қараганда 1,77 миллион донага кўпайгани нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга ёрдам берди. Пластик карточкаларнинг умумий сони 2010 йил 1 июль ҳолатига кўра 6,84 миллион донага етди. Ўрнатилган терминаллар сони эса 24,6 минггага кўпайди ва 61,1 мингтани ташкил қилди. Бунинг натижасида пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 баравар ошди.

III. Мамлакат рақобатбардошлилигини оширишни таъминлаш мақсадида иқтисодий таркибий туб ўзгартиришни чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида тўқимачилик (148,2 фоиз), ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати (121,7 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноати (111,9 фоиз) ва озиқ-овқат (110,8 фоиз) саноати корхоналарида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг энг юқори кўрсаткичларига эришилди.

2010 йилга мўлжалланган саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 929 лойиҳа бўйича қиймати 2,64 триллион сўмлик ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши 13,9 фоиздан 17,1 фоизга кўпайди, импорт ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб қилинган самараси 1,7 миллиард долларни ташкил қилди ёки 2009 йилнинг биринчи ярим йидаги кўрсаткичга нисбатан 1,3 баравар ошди.

Ҳисобот даврида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 181 турдаги янги маҳсулот, шу жумладан, контейнер ташигичлар, авто ташигичлар, купе типдаги йўловчи ташви вагонлари, колонна ва реактор ускуналари, фонтан арматура, бургулаш қоришмаси дегазатори, томчилатиб суғориш тизими, турли хилдаги дастгоҳ ускуналари, ёғни зичлаш учун бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, дори ва косметика воситаларининг янги турлари, акрил ипи, янги турдаги маиший электр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баравар кўпайди ва 259,1 миллион долларни ёки маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 15,2 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида маҳаллийлаштирилган экспортбоп маҳсулотлар тури 104тага етди, 40 турдаги

янги маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатига киритилди. Нефть-газ ва кимё ускуналари, умумтаълим мактаблари учун ўқув-лаборатория ускуналари ва кўргазмалар қўлланмалар, кабель-ўтказгич маҳсулотлар, автомобиллар, двигателлар учун гильза-поршень-халқалар, автомобиллар учун дисклар, культиваторлар, металлпрокат ва бошқа турдаги маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан озиқ-овқат ва нооziқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун технологик ускуналар, хомашё ва материаллар харид қилишга 503 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 11,8 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 9 ва нооziқ-овқат маҳсулотлари 13,9 фоиз ўсди. Барча турдаги тўқимачилик маҳсулотларини (калава, матолар, трикотаж, тикувчилик, пайпоқ буюмлари, гилам ва гиламчилик буюмлари), телевизорлар, музлатгичлар, электр дазмоллар, маиший ёритгичлар, хўжалик ва бошқа товарларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини оширишга оид кўшимча чора-тадбирларнинг фаол амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида экспортбоп товарлар турлари 400 дан ошди.

Экспортнинг 14,3 фоизга ўсиши асосан жисмоний ҳажмларнинг (тайёр трикотаж буюмлари, ип газлама ва калава, трикотаж полотноси, енгил автомобиллар, сим ва кабеллар, карбамид, мева-сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар) ошиши ҳисобидан таъминланди. Экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари (165,6 фоиз), қора ва рангли металллар (172,1 фоиз), машиналар ва ускуналар (2 баравар), хизматлар (117,6 фоиз) экспортининг юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга оид кўрилган самарали чоралар натижасида жорий йил бошидан буён рўйхатга олинган кичик корхоналар умумий сони (фермер хўжаликларини ҳисобга олганда) 3,7 фоиз кўпайди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 1391,7 миллиард сўмни ташкил қилди ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар ошди, жумладан, 270,4 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,4 баравар ошди. Натижада жорий йилнинг биринчи ярим йидаги кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 41,1 фоиз, саноатда 16,7 фоиз, бандликда 74 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 122,1 фоизни ташкил қилди ва бу саноат тармоғи бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 5,5 фоиз, молиявий хизматлар ҳажми 18,5 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 15,3 фоиз, автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари 28,7 фоиз ўсди. Бундан ташқари, шу йилнинг биринчи ярми давомида 1,5 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди ва бу маиший хизматлар ҳажмининг 20,5 фоиз ошишини таъминлади.

Умуман, жорий йилнинг биринчи ярмида хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,9 фоиз, ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар улуши 46,2 фоиздан 47,4 фоиз ўсди.

IV. Фаол инвестиция сиёсатини, техник модернизация қилиш дастурларини амалга ошириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 7,1 триллион сўмни ташкил қилди ва қиёсий нархларда 4,8 фоиз ошди. Умумий инвестициялар ҳажмининг 72 фоизи ишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилди, ноишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилган инвестициялар улуши 2009 йилнинг тегишли даврига қараганда 29 фоиздан 28 фоизга камайди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми қарийб 1,7 миллиард долларни, жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,57 миллиард долларни ташкил қилди ва 2009 йилнинг шу даврига қараганда 1,5 баравар ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича амалга оширилган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар натижасида аҳоли маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,8 баравар ошди.

Шу йилнинг бошидан буён ишлаб чиқаришни техник модернизация қилиш бўйича 108та лойиҳани амалга ошириш якунланди ва 529 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Шу жумладан, озиқ-овқат саноатида 208, енгил саноатда 64, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида 138, ёғочни қайта ишлаш саноатида 30, машинасозлик саноатида 7 та ва бошқа объектлар ишга туширилди. «Кўкпота ва Доуғистов бирлашган хомашё базасида кон-металлургия корхонаси қурилиши (1-навбати)», «Фарғонаазот» очик акциядорлик жамиятида азот-фосфор ўғитини ишлаб чиқариш бўйича тажриба-саноат қурилмаси қурилиши», «Тошкент шаҳридаги асфальт заводини модернизация қилиш ва йўлларни қуриш ҳамда сақлаш учун ускуналар харид қилиш», «Гулистон, Жиззах, Қарши шаҳарларида сув таъминоти тизимини такомиллаштириш», «Базальт иситгичи асосида сэндрив панеллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Тошбрунетекс» қўшма корхонасида йиғирув ишлаб чиқаришини ташкил қилиш» ва бошқалар уларнинг энг муҳимлари ҳисобланади.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида инфратузилма объектларини қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда, эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудини ўраш, ажратиш ва майдон ичи дре-

2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТУГРИСИДА

нажи, ташқи электр таъминоти ва газлаштириш, шунингдек, Е-40 (М-37) автомобиль йўлидан "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасигача бетондан ишланган автомобиль кириш йўлини, темир йўл, Божхона пости биносини қуриш ишлари ниҳоясига етди. Лойиҳа ташаббускорлари томонидан 18 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар амалга оширилмоқда. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки учта лойиҳа бўйича қурилиш ишлари якунланди ҳамда монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрალი участкаларини қуриш ва йўл-қурилиш техникасини харид қилиш учун ўзлаштирилган капитал кўйилмалар 190,6 миллиард сўмни ташкил қилди ёки бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баравар кўп демакдир. Ўзбекистон миллий автомагистрალი бўйлаб йўл ёқасида 59 та инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда, ҳисобот даврида 13 та объект ишга туширилди.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линияси разъезд ва станцияларида ишлаб чиқариш-техник бинолар ҳамда турар-жойлар қурилишини якунлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт орқали Франкфурт, Сеул, Брюссель, Милан, Бангкок, Деҳли, Дакка, Мумбай ва дунёнинг бошқа йирик шаҳарларига мунтазам рейслар амалга оширилди.

Ангрен шаҳрида янги ташкил қилинган Логистика маркази орқали транспорт-экспедиция, юклаш-тушириш хизматлари ва юкларни сақлаш хизматларини кўрсатиш сезиларли даражада жадаллашди. Жорий йилнинг биринчи ярмида «Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамияти орқали қарийб 2 миллион тонна юк ташилди.

Электр энергетикасини модернизация қилиш, энергия сарфини камайтириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш дастурини амалга ошириш доирасида маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини сарфлашини аниқ ҳисобга олишни таъминлайдиган 1570,9 мингта ва хўжалик субъектларида 285,9 мингта электрон ҳисоблагич ўрнатилди. Фарғона ЭС Кўқон РЭС-да электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этишга доир монтаж-созлаш ишлари ниҳоясига етказилди, Қорақалпоғистон ЭС Нукус РЭС-да бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида маиший секторда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимга мос келадиган 273,8 мингта замонавий ҳисобга олиш приборлари жорий этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси

маблаглари ҳисобидан 91та лойиҳа бўйича коллектор-дренаж тармоқлари ва бошқа мелiorация объектлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. 236та мелiorация объектида умумий қиймати 32,2 миллиард сўмлик таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилди. Бу умумий узунлиги 8085,9 километрик хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги коллектор-дренаж тармоғини тозалаш, узунлиги 534,1 километрик ёпиқ горизонтал дренаж тармоғида, 12 мелiorация насос станцияси ҳамда бошқа мелiorация объектларида қайта тиклаш ишларини бажариш имконини берди.

V. Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ва қуриш дастурининг амалга оширилиши туғрисида

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз бўйича 4417,5 минг квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 3113,7 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. 544,6 километрик газ ва 1375 километрик сув қувурлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 416,6 ва 864 километрик газ-сув тармоқлари барпо этилди. Узунлиги 170 километрдан ортиқ электр узатиш линияси, 35 ва ундан юқори кВ кучланишга эга кичик станцияларда 12,6 минг кВА трансформатор қувватлари фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 2009 йилнинг сентябрида қишлоқ жойлардаги 42та ер масивда қурилиши бошланган 847 та уй-жой қуриб битказилди, бу уйларга газ, сув ва электр энергиясини етказиб беришни таъминлайдиган ташқи муҳандислик тармоқлари барпо этилди.

159та қишлоқ туманларидаги 223та массивда намунали лойиҳалар бўйича қўшимча 6800та уй-жой қурилиши бошланди. Ўтган давр мобайнида ушбу мақсадлар учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкнинг жами 122,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилди.

Замонавий материалларга бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш мақсадида замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116та янги корхона, жумладан, йилига жами 97 миллион донадан ортиқ гишт ишлаб чиқариш қувватига эга 25та гишт заводи ишга туширилди.

VI. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни давом эттириш

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг оширилиши натижасида қарийб 7 миллион тоннага яқин дон йиғиштириб олинди, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4,6 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида кимошди савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида 14085 бош наслдор қорамол сотилди, кам таъминланган оилаларга 5592 бош қорамол бепул берилди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка

кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 21,1 миллиард сўм ажратилди.

Қурилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар умумий сони 8668,7 минг бошга етди ёки 2009 йилнинг шу даврига қараганда 6,7 фоиз ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан паррандачилик хўжаликларини ташкил қилиш учун 44,6 миллиард сўм ажратилди. 365та паррандачилик хўжалиги ташкил қилинди ва паррандаларнинг умумий сони 33,6 миллионгани ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,6 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида замонавий миниускуналар билан жиҳозланган 66та қайта ишлаш корхонаси, жумладан, 12та мева-сабзавотни, 21та гўштни ва 33та сутни қайта ишлайдиган корхона ташкил этилди.

Паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантиришга доир қурилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сабзавотлар 14,6 фоиз, картошка 10,2 фоиз, полиз экинлари 16,3 фоиз, мевалар 13,3 фоиз, узум 14,3 фоиз, гўшт 6,7 фоиз, сут етиштиришни 6,9 фоиз ва тухум етиштиришни 15,3 фоиз ошириш имконини берди.

VII. Аҳоли бандлиги ва турмуш сифатини оширишни таъминлаш

Жорий йилнинг биринчи ярмида 509,4 мингта янги иш ўрни, шундан 350,1 мингдан ортиги (68,7 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўринларининг катта қисми – 323,7 мингтаси (63,5 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қарийб 160 мингтаси (31,4 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

Хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларни қасаначилик, хунармандчилик ва халқ хунармандчилигини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширишга фаол жалб қилиш ҳисобидан 127 мингта, хусусан, корхоналар билан кооперация асосида 46,1 мингта, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 80,9 мингта иш ўрни яратилди. 2010 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 300 минг нафардан ортиқ киши қасаначилик билан қамраб олинди.

Меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш жорий йилнинг биринчи ярмида аҳоли бандлигини 2,7 фоиз ошириш имконини берди ва бунинг натижасида иш билан банд аҳоли сони 303,5 минг нафардан кўпроққа ортди ва 11,4 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши асосан қурилиш (106,4 фоиз), уй-жой-коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш (105,3 фоиз), транспорт ва алоқа (104,9 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (104,9 фоиз) кузатилмоқда.

Ўртача иш ҳақининг барқарор ўсиши сақлаб қолинди. Жорий йилнинг биринчи ярим йилининг охирига ойида ушбу кўрсаткич 476,4 минг сўмни ташкил қилди ва бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 34,1 фоиз кўпдир.

Жорий йилнинг биринчи ярим йилида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тadbirlarини амалга ошириш учун 4,2 триллион сўм ва 79 миллион доллар йўналтирилди. Бу борада қурилган чоралар натижасида ёшлар учун 282,8 мингта янги иш ўрни яратилди, ёш оилаларга қиймати 55,5 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича эришилган ижобий натижалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан тасдиқланган 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирлар нечоғли самарали амалга оширилганидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда эътироф этилган босқичма-босқич ривожланишнинг «Ўзбек модели» самарали амалга оширилиши туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оғир синовларига бардош берди.

Шу йилнинг май ойи бошида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлиси давомида нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий делегациялар раҳбарлари, шунингдек, 2010 йилнинг июнь ойи охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси томонидан ҳам эришилган бу самаралар юксак баҳоланди. ХВЖ миссияси томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани таъкидланди. Миссия кейинги тўрт йилда молия секторида сезиларли ривожланишга эришилгани, банklar капитали ва активларининг сезиларли даражада кўпайиши банк секторини барқарорлаштиришда муҳим омил бўлганини ва саноатни модернизация қилиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш давлат дастурини қўллаб-қувватлаш имконини берганини қайд этди.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкнинг хулосаларига кўра, инқирозга қарши чораларнинг саноатни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, жорий йилда экспорт ҳажмини оширишга кўрсатаётган самарали таъсири давом этаётгани туфайли 2010 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши 8 фоиздан ортиқни ташкил қилади.

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтириш орқали ташқи бозорларда мамлакатимиз позициясини мустаҳкамлаш, шунингдек, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган инқирозга қарши чораларни амалга оширишни давом эттириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон иқтисодиётини янада барқарор ривожлантириш имконини беради.

✓ 2008 йили Қўшрабoт туман халқ таълими бўлимига қарашли 80-умумтаълим мактабининг филиали ҳисобланган Чоғроққина билим маскани мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ янгидан тикланиб, янгиқишлоқ, олмасувон, ўртасой қишлоқлари аҳолисига бир олам кувонч бағишлаган эди.

Мавжуд синфхоналарнинг марказдаги таълим масканлариникидан асло қолишмаслиги ўшанда ота-оналарни ҳам ҳайратга солди. Мактаб барча замонавий талабларга жавоб бергач, алоҳида таълим даргоҳига айлантирилди.

Айни пайтда 86-мактаб педагогик жамоаси янги ўқув йилига тайёргарлик кўрмоқда. Мактабнинг 17 нафар ўқитувчиси таътилда бўлишига қарамай, бу ерга келиб, ўз фан кабинетларини кўздан кечирмоқда. Ўқув воеиталари, кўргазмалари куроллар, лаборатория жиҳозлари, мебеллар янгидан келтирилгани учун таъмирланишга муҳтож эмас. Аммо уларни ҳам тартибга келтириш лозим. Мактаб раҳбари

Сайдулла Мусаев шундай таъкидлайди:

— Кимё, биология, физика фанлари учун алоҳида фан хоналари мавжуд бўлиб, уларнинг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланиши фарзандларимиз учун чинакам мўъжиза бўлди. Янги ўқув йилига Муқаддас Мадатова, Равшан Холматов, Хидир Бобоқулов, Барчин Ҳамроева каби ўқитувчиларимиз ўз фанлари бўйича жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Улар туман халқ таълими ходимларининг Август кенгашларида ўз фанларининг ўқитилиши бўйича янги таклиф-мулоҳазалари билан иштирок этади.

МУХБИРИМИЗ

✓ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ ТАЛАБАЛАРИДАН ТАРКИБ ТОПГАН "БУНЁДҚОР" ЁШЛАР ГУРУХЛАРИ АҲОЛИНИ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МАҚСАДИДА ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА ЎҚУВ СЕМИНАРЛАРИНИ ОЛИБ БОРМОҚДА.

— Шуни таъкидлаш жоизки, бу машғулотларни олиб бориш учун ўқув дастурларини пухта ўзлаштирган 53 нафар талаба танлаб олинди, уларга зарур шароитлар яратилган, — дейди филиал директорининг ўринбосари Муслим Муродов. Жойларда ташкил этиладиган ўқув-семинарлар машғулотида олдин филиалимиз талабалари профессор-ўқитувчилар, вилоят ҳокимлиги компьютерлаштириш маркази малакали мутахассисла-

ри иштирокида махсус тайёргарликдан ўтишди.

"Бунёдқор ёшлар" гуруҳи икки вилоятда аҳолини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таништириш ва уларнинг компьютер саводхонлигини ошириш бўйича тренинг ўқув курслари ҳар бир туманда беш марта ташкил этиляпти. Ҳар бир курс тингловчилари сони эса 15 нафардан иборат бўлмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Туркистон-пресс"

✓ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ВА МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЁТ МАРКАЗЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА. БУ ГАПНИНГ АМАЛДАГИ ИСБОТИНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ, ЗОМИН ТУМАНИДАГИ 1-ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРДА КЎРИШ МУМКИН.

«Ёз-2010» лойиҳаси доирасида иш олиб бораётган марказ қошидаги 10та тўғарак мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Зардўзлик, ёш киноҳаваскорлар, бичиш-тикиш, бисер, пазандалик, тасвирий санъат, тўқиш тўғараклари ҳар куни ўқувчилар билан гавжум. Ҳозир мазкур тўғаракларга 500 нафардан ортиқ ўқувчи жалб қилинган. Улар машғулотлар давомида олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, ўзлари қизиққан соҳалар юзасидан касб маҳоратини ошириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Таътил кунлари тўғараклар махсус режа асосида иш юритмоқда. Саодат Анорбоева, Илҳом Муҳаммадиев, Нилуфар Холбўтаева каби тажрибали ва жонқуяр мураббийлар раҳбарлик қилаётган тикувчилик, ёш техниклар ва тасвирий санъ-



ат тўғараклари фаолияти алоҳида таҳсинга лойиқ.

Шунингдек, ўқувчилар учун турли оммавий тadbirlar, саёхатлар уюштириш яхши йўлга қўйилган. Марказда болалар таътил кунларини мароқли ўтказиш билан бирга, маҳорат ва иқтидорларини кун сайин ошириб бормоқдалар. Буни ўқувчиларнинг турли кўрик-танловларда қўлга киритаётган ютуқларидан билиб олиш қийин эмас. 63-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Мафтуна Сафарова «Куч билим ва тафаккурда» вилоят кўргазмасида тўқиш йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритди. 60-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулнора Анорбоева «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси», 9-синф ўқувчиси Ҳайитгул Бахтиёрова «Сехрли ёғду» кинофото йўналишининг республика босқичида иштирок этиб, яхши натижаларга эришдилар. 1-ўқувчилар ижодиёт маркази раҳбари Гулбаҳор Абдуҳакимованинг айтишича, бундай истеъдодли ўқувчилар сафи кенгаймоқда.

А.СОДИҚОВ

✓ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИ СЕРМАЗМУН ВА МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШЛАРИ УЧУН ТУРЛИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси шулар жумласидандир. Ана шундай тadbirlarдан яна бири Ҳаракатнинг Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши томонидан ташкил этилди.

Темурийлар тарихи давлат музейида уюштирилган тadbirга 146-мактаб қошидаги оромгоҳ болалари жалб этилиб, улар му-

зей бўйлаб экскурсияга чиқишди. Болажонларнинг саёхати яна ҳам қизиқарли ва эсда қоларли бўлиши учун уларга музей маъмурияти томонидан соҳа мутахассислари бириктирилиб, кичик саёхатчиларга темурийлар даври ҳақида маълумот беришди.

Бундан ташқари, темурийлар давлатининг барпо этилиши, ўша даврда яшаб ижод қилган алломалар, «Темур тузуклари», Амир Темурнинг дунё тари-

хида қолдирган ўчмас изи хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Айниқса, темурийлар даврини ифода этувчи турли экспонат ва нодир буюмлар ўша замон киёфасини болалар кўз олдида жонлантирди.

Бу сингари тadbirlar ёш авлод қалбида тарихимиз ва алломаларимизга бўлган фахр туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

МАКТАБ ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкентда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил қилинган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ихтисослашган кийимлар ярмаркаси очилди.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси таркибига кирувчи компаниялар вакиллари, мактаблар, лицей ва коллежлар раҳбарлари, шунингдек, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мамлакатимизда янги 2010-2011 ўқув йилига ҳозирлик кўрилмоқда. Пойтахтимиз ва жойларда бўлиб ўтаётган турли тadbirlar умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларини мактаб анжомлари, ўқув-услугий қўлланмалар, ўқувчиларни мактаб кийими ҳамда пойабзал билан ўз вақтида таъминлашга кўмаклашмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 июлда қабул қилинган 2010-2011 ўқув йи-

лига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркаларини ўтказишни ташкил қилиш чора-tadbirlari тўғрисидаги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Тadbirнинг очилишида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Шамсиддин Султонов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом, интеллектуал салоҳияти юқори ва эркин фикрлайдиган баркамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг салмоқли натижаларини бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, дастурлар ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, ўз салоҳиятини намоён этиши, йигит-

қизларга янада кўпроқ эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услугий ада-

Qaror va ijro

биётларни янада такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларини мактаб анжомлари, ўқув-услугий қўлланмалар, ўқувчиларни эса мактаб кийими ҳамда пойабзал билан таъминлаш бўйича хайрли ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

Ушбу дастур доирасида ташкил этилган мазкур ярмарка ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Бу йилги ярмарка алоҳида хусусиятга эга. Унинг миқёси янги иштирок-

чиларни жалб қилиш, намоийиш этиш учун қўйилган маҳсулотлар сонининг кўпайиши ҳисобидан сезиларли даражада кенгайтирилди.

Ярмаркада «Муштарий Int» акциядорлик жамияти, «Муруват текс», «Коттон роад» қўшма корхоналари ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи бошқа турли мулкчилик шаклидаги 20 дан ортиқ корхона ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Унда асосан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари формаси, болалар ва ўсмирлар учун спорт кийимлари, шунингдек, пойабзаллар намоийиш қилинмоқда.

— Бу йил ихтисослашган ярмаркада илк бор иштирок этмоқдамиз, — дейди «Муштарий Int» акциядорлик жамияти раҳбари Жалол Абдуллаев. — Корхонамизда ўқувчилар учун кийимлар — костюмлар, шимлар ва қўйлақлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Маҳсулотларимиз сифати бўйича хорижликдан қолишмайди ва

ярмарка давомида уларга билдирилаётган катта қизиқиш ҳам буни тасдиқлайди. Бу ерда кўплаб шартномалар тузиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятидамиз.

Бундан ташқари, ярмарка доирасида «Dong San Int» Ўзбекистон — Жанубий Корея компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган спорт ва мактаб товарларининг ҳам тақдироти бўлиб ўтди. Корхона Ўзбекистон бозоридан 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ўқувчилар учун мактаб формаси, болалар ва ўсмирлар учун спорт ҳамда киши кийимлар ишлаб чиқарадиган янги тўқимачилик фабрикаси иш бошлади. Ярмарка фабрикада ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулотларни намоийиш этиш имконини берди.

Ярмарка 10 сентябргача давом этади. Унда тайёр маҳсулотлар етказиб бериш бўйича кўплаб шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Куни кеча Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибидagi асосий масала — халқ таълими тизимида 2010 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар ва II ярим йилдаги вазифаларга бағишланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 июлдаги "2010 йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3-сонли мажлис баёнида кўрсатилганидек, ҳисобот даврида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳа-

маллаштирилиб, шундан, 247 соат ўрта махсус, касб-хунар таълимига, 327 соат эса синфдан-синфга ўтказилгани ва 239 соатлик мавзулар такрорланганлиги учун қисқартирилган. Дарҳақиқат, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 18та умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурлари ва методик тавсиялар қайта ишлаб чиқилди ҳамда Илмий-методик ва Мувофиқлаштирувчи Кенгашилар томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди.

Бу борада шунингдек, ўқитув-

Hay'at yig'ilishi

таъмирлаш ишларини амалга оширишда айрим вилоятларда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги танқид қилиниб, мутасаддиларга белгиланган вазифаларни белгиланган муддатларда бажаришни ташкил этиш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 июлдаги 3-сонли мажлис баёни ижросини таъминлаш, вазирликнинг 2010 йил II ярим йиллиги учун аниқ вазифаларни белгилаш мақсадида ҳайъат йиғилиши бир қатор қарорларни қабул қилди. Жумладан, бюджет

"ОБОД"ДАГИ ЯНГИ МАКТАБ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жорий йилнинг 2 январидан қурилиши бошланган мазкур умумтаълим мактабига давлат томонидан 1 миллиард 821 миллион 477 минг сўм маблағ сарфланди. Вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси буюртмасига асосан объект қурилишини "Чортоқархитекқурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари ниҳоясига етказмоқдалар.

Бу ҳақда жамият раиси Абдукарим Дўстбоев шундай деди:

— Ҳозирда бунёдкорлик ишларининг 98 фоизи уддаланди. Мактабни август ойининг иккинчи ярмида, янги ўқув йили арафасида тахт ҳолда топширамиз.

Ёзнинг жазирама кунларига қарамай, астойдил ишлаётган "Чортоқ архитекқурилиш" МЧЖ бунёдкорларини кузатар эканмиз, уларнинг ўз соҳасини мукамал эгаллаб олганига гувоҳ бўлдик.

Истиклолимизнинг 19 йиллиги ҳамда "Билимлар куни"да маҳалла аҳли учун шодлик ва зиё улашадиган ушбу мактаб Наманган шаҳар халқ таълими бўлими мактаблари рўйхатига 67-умумтаълим мактаби, дея қайд этилади. **Мактаб директори Баҳромжон Шарипов шундай дейди:**

— Бу йил шахримизда қурилган бешта янги таълим даргоҳи орасида мактабимизнинг ҳам борлиги барчамизга истиқлол берган муносиб совға бўлди. Чунки авваллари фарзандларимиз маҳалладан анча узоқда жойлашган 21, 25, 38, 41-умумтаълим мактабларига қатнаб, билим олишарди. Эндиликда эса уларга қулайлик яратилди. Маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли оила фарзандлари янги мактабда ўқишади. Ҳозир уларни мактабга қабул қилиш учун рўйхатдан ўтказаяпмиз. 40 нафар ўқитувчи ва техник ходим ишга олинади. Албатта, ҳар бир иш белгиланган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларга мувофиқ бажарилмоқда.

— Ҳадемай куз, кейин эса қиш бошланади, — дейди мактаб хўжалик ишлари мудир Валихон Ҳошимов. — Шунинг эътиборга олган ҳолда мактабимиз қишга ҳам ҳозирланаяпти. Бунинг учун газ ёрдамида иситиладиган 3 та катта иситиш тизими ўрнатилди. Барча хоналар иссиқлик тармоғига уланган бўлиб, қиш мавсумида уларнинг меъёрида ишлашини таъминлашимиз лозим.

Хуллас, катта ер майдонида бунёд этилаётган янги 67-мактабда 2010-2011 ўқув йили қандай бошланишини тасаввур қилиш мумкин: кенг ва ёруғ синф хоналари, ярақлаган мебеллар, оҳори тўқилмаган ўқув қуроллари — ҳамма-ҳаммаси ўсиб келаётган авлод учун, уларнинг бахтиқуболи учун қулай имкониятлар ва замонавий шарт-шароитларга эга билим ўчоғида эртага, албатта, ватанимиз ва истиқлолимиз учун фидойи йигит-қизлар тарбияланиб чиқишади.

Пўлат ХАМДАМ,
"Ma'rifat" мухбири

ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

сида макроиқтисодий мувозанат сақланиб, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари таъминланган.

Мазкур масала юзасидан маъруза қилган вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Дониёров таъкидлаганидек, халқ таълими тизимида ҳам ҳисобот даврида белгиланган вазифалар режалари ва изчил тарзда амалга оширилди. Жумладан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига кўра, Наманган шаҳридаги 14та (5та янги қурилиш, 9та капитал реконструкция) мактабда жами 12,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган (йиллик режа — 14,5 млрд. сўмга нисбатан 85,5 фоиз). Шундан, 4та объект (1-, 5-, 29- ва 49-мактаб)да ишлар тугатилиб, фойдаланишга топширилган, қолган 10та объектни 1 августга қадар топшириш режалаштирилган.

2010 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилиб (97 млрд. сўм), қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилган 143 та иншоот (71та спорт иншооти, 26та сузиш ҳавзаси, 46та мусиқа ва санъат мактаби)да 10 июль ҳолатига жами 46,8 млрд. сўм (51 фоиз) молиялаштирилиб, 52,36 млрд. сўм (58 фоиз)лик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

Ўтган давр мобайнида таълим мазмунини такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилади. Жумладан, узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш мақсадида таълим тизимининг барча бўғинлари мутахассисларидан тузилган 31та ишчи гуруҳи томонидан ДТС, уларга берилган шарҳлар, ўқув дастурлари ва дарсликлар тўлиқ таҳлил қилинди. Натижада жами 813 соат ҳажмдаги мавзулар опти-

чалар малакасини оширишдаги ўзига хос янгиликлар, педагогларнинг иш ҳужжатлари билан ишлаш тартиби, ўқувчилар билимини баҳолашдаги ўзгаришлар ҳам қайд этиб ўтилди.

Яна бир долзарб масала: умумтаълим мактабларини «ZiyoNET» тармоғига улаш режасига кўра, 10 июль ҳолатига жами 7657та (78,4 фоиз)ни ташкил этди. Ҳисобот даврида 2500дан ортиқ ахборот ресурслари тармоққа жойлаштирилган.

Вазирлик тизимида ҳужжатларни назорат қилишнинг "JOB FLOW CONTROL" автоматлаштирилган тизими жорий этилди.

«Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш» лойиҳаси доирасида 560та етакчи кластер мактабларининг компьютер синфларига жами 13440 дона компьютер техникаси етказиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил I-ярим йиллик иш режасида 14 та, Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий Комплекси иш режасида 9та вазирликка тегишли банд бўлиб, барча вазифаларнинг ижроси ўз вақтида таъминланди.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бюджетдан ташқари қўшимча маблағ сифатида 3,15 млрд. сўм ишлаб топилган ва режа 109 фоизга бажарилган бўлса-да, 17000 дан ортиқ таълим муассасаси учун бу кўрсаткич етарли эмас, деб топилди.

Йиғилишда шунингдек, бошқа ечимини кутаётган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, 2010-2011 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида таълим муассасалари бино ва иншоотларини

маблағларини иқтисод қилиш, бюджетдан ташқари маблағлар топиш йўли билан таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашни таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ёрдамчи хўжаликлар (боғдорчилик, полизчилик, қуёнчилик, паррандачилик ва ҳ.к.) ташкил этишни кенгайтириш, таълим муассасаларини 2010-2011 йиллар куз-қиш мавсумига, янги ўқув йилига, Мустақиллик байрамини муносиб нишонлашган қаратилган чора-тадбирлар Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил II ярим йиллик иш режаси тасдиқланди.

Йиғилиш кун тартиби бўйича, шунингдек, яна қатор масалалар муҳокама этилди. Жумладан, Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларда таълим тарбия жараёнини ташкил этиш ҳолати, халқ таълими тизимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психолог-педагогик ташхис тизими фаолияти ҳамда 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар таълимига қамраб олиш ҳолати, молиявий-хўжалик фаолиятни юритиш жараёнида таълим муассасаларининг раҳбарлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар (Тошкент вилояти мисолида) кўриб чиқилди. Вазирлик бошқарма бошлиқлари маъруза қилган мазкур масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, мазкур йўналишдаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисни Халқ таълими вазири, ҳайъат раиси А.Мараҳимов олиб борди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги
Ахборот хизмати бошлиғи

Avgust kengashlarida o'tgan yildagi yangilik va erishilgan natijalar sarhisob qilinib, ish jarayonida duch kelingan muammolar tahlil etiladi. 2010-2011-o'quv yilida qanday ishlar bajarilishi belgilanadi. Yalpi va sho'ba yig'ilishlarida har bir pedagog-tarbiyachi ijodkorligi, faolligi, tadbirkorligi, yaratuvchanligini namoyon etishi lozim. Bu ta'lim-tarbiya jarayoni sifat va samaradorligini oshirishga yordam beradi.

Sho'ba yig'ilishlari ishtirokchilarining o'z hamkasblariga qilgan murojaat va tavsiyalari anjumani yalpi yig'ilishlariga taqdim etilishi yangi o'quv yilini ma'lum bir maqsad bilan boshlashga undaydi.

Avgust kengashlarini muayyan yo'nalish bo'yicha yuqori ko'rsatkichlarga erishgan maktabgacha ta'lim muassasalarida o'tkazish tavsiya qilinadi. Muassasa bayramona bezatiladi.

Yig'ilishlarni trening, konferensiya, ustoz saboqlari ("master-klass"), debat-muzokara, pedagogik g'oyalar tanlovi shaklida ularda zig-zag, charxpalak, rezyume, BBB, FSMU, kasbiy ishchanlik kabi o'yinlar va interfaol usullardan foydalangan holda tashkil etish samara beradi.

Maktabgacha ta'lim muassasalari uchun o'tkazilgan turli ko'rik-tanlovlar g'oliblari, ilg'or ish tajribasiga ega pedagog xodimlar hamda mehnat faxriylarining yig'ilishlarda ishtirok etishi yosh mutaxassislariga ruhiy va ma'naviy kuch bag'ishlaydi.

Maktabgacha ta'lim muassasalari yuridik maqomga ega bo'layotganligi sababli mudiralar sho'basida "Yuridik maqomga ega bo'lgan ta'lim muassasasi faoliyatining moliyaviy holati, hisobi va hisoboti", hujjatlarni saqlash qoidalari va muddatlari, bosh hisobchi hamda g'aznachining majburiyatlari kabi masalalar atroflicha muhokama qilinib, zarur materiallar rahbarlarga yetkazib berilishi lozim.

Sho'balarga "Bolalarimiz o'ynayotgan o'yinchoqlar — ular qanday bo'lishi kerak?", "Maktabgacha yoshdagi bolalar o'yinchoqlariga qo'yiladigan talablar", "Bolalar o'yinchoqlar orqali o'rganadi", "O'yinchoq ovunchoqmi?", "O'zimiz o'yinchoq yasaymiz" kabi mavzularni kiritish mumkin.

"O'zimiz o'yinchoq yasaymiz" mavzusida tarbiyachilar bilan o'tkazilayotgan sho'bada o'yinchoqlar yasashda xalqimizning boy va betakror estetik dunyosini aks ettiradigan qahramonlar, milliy qadriyatlarimizning asos qilib olinishini muhokama qilish maqsadga muvofiqdir.

Barcha sho'balarda muhokama etiladigan mavzular yuzasidan tavsiyalar:

- Ilg'or pedagogik ish tajribani o'rganish, umumlashtirish va ommlashtirish.
- «Maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan Davlat talablari»ni amaliyotga joriy etish.
- "Bola huquqlari kafolatlari" qonuni — bolalar huquqlarini ta'minlash garovidir.
- Maktabgacha ta'lim muassasalari faoliyatining huquqiy asoslari.
- O'yinchoqlar qanday bo'lishi kerak?
- Innovatsion texnologiyalarni mashg'ulotlarga tatbiq etish yo'llari.
- Komil insonni tarbiyalashda tarbiyachi shaxsining o'rni.
- Bola shaxsini shakllantirishda rivojlantiruvchi muhitning samarasi.
- Iqtidorli bolalar bilan ishlash usullari.
- Bolalarda ma'naviy yetuklik fazilatlarini shakllantirish.

- Pedagog xodimlarning kasbiy saviyasini o'stirishga qaratilgan shaxsiy rejalari mazmun-mohiyati.

Maktabgacha ta'lim uslubchilari sho'basini

- 2009-2010-o'quv yilida «Ta'lim to'g'risida»gi qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi asosida bajarilgan ishlarining tahlili, yuzaga kelgan muammolar, izlanishlar va ularning yechimlari, natijalari.
- Metodik xizmat samaradorligini oshirishda metodik uyushmalar faoliyatining o'rni.
- Muassasada ijodiy muhitning yaratilishi — kadrlar salohiyatini ko'tarish omilidir.
- Maktabgacha ta'lim tizimini mazmunan modernizatsiyalash va ta'lim-tarbiya samaradorligini yangi sifat darajasiga ko'tarishga erishish.
- Ilg'or pedagogik texnologiyalar sifatli va samarali ta'lim kafolatidir.
- Ilg'or pedagogik ish tajribani o'rganish, umumlashtirish va ommlashtirish.
- Tibbiy-psixologik-pedagogik komissiya tizimida maktabgacha ta'lim muassasasi logopedining ishtiroki.

Tarbiyachilar sho'basini

- Bolaning rivojlanishida tarbiyachi va ota-ona hamkorligining ahamiyati.
- Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan Davlat talablarining bajarilishida tarbiyachilarning interfaol usullardan foydalanishi.
- Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar egallagan bilim, ko'nikma va malakalarining diagnostikasi va natijalar monitoringi.
- Maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim-tarbiya berishda loyiha usulidan foydalanishning ahamiyati.
- Bolalarning maktab ta'limiga pedagogik-psixologik tayyorgarligi.
- Iqtidorli bolalar bilan ishlash.
- Bolalar salomatligini mustahkamlash, ularga gigiyenik qoidalarga rioya qilishni o'rgatish.
- Tarbiyalanuvchilarni milliy, umuminsoniy qadriyatlar bilan tanishtirish jarayonida noan'anaviy usullardan foydalanish.
- Bola shaxsiga yo'naltirilgan ta'lim — maktabgacha ta'limning ustuvor vazifasi.
- Bolalarning ijtimoiy hayotga

MAKTABGACHA TA'LIM XODIMLARINING AN'ANAVIY AVGUST KENGASHLARINI TASHKIL ETISH BO'YICHA METODIK TAVSIYALAR

- Uslubiy adabiyotlar bilan ishlash: nazariyadan amaliyotga.

• Pedagog kadrlarning uzluksiz malaka oshirishini "Ustoz-shogird" usulida tashkil etishda xalq ta'limi bo'limlarining vazifalari.

Muassasa rahbarlari sho'basini

- Boshqaruvda innovatsion texnologiyalar.
- Muassasa faoliyatining moliyaviy mexanizmini to'g'ri tashkil qilish.
- Ta'limda pedagogik texnologiyalar, ulardan maktabgacha yoshdagi bolalar bilan ishlashda foydalanish.
- Bola uchun zarur bo'lgan rivojlantiruvchi muhitni yaratish.
- Pedagogik kengash — maktabgacha ta'lim muassasasi oliy organidir.

• Maktabgacha ta'lim muassasasi va oila hamkorligi — muvaffaqiyat garovidir!

- Maktabgacha yoshdagi bolalar o'yinchoqlariga qo'yiladigan talablar.
- Muassasada qo'shimcha pullik xizmatlar tizimini to'g'ri tashkil qilish.
- "Ustoz ustaxonasi"ning samarali ishlashini tashkil etishda ta'lim muassasasi rahbarining roli.

Uslubchilar sho'basini

- Pedagog xodimlarga metodik xizmat ko'rsatish — ta'lim sifatini oshirish omilidir.
- Ta'lim-tarbiya jarayoniga noan'anaviy ish usullarini tatbiq etishda uslubchining roli.
- Bolani o'rab turgan rivojlantiruvchi muhit — unga berilayotgan ta'lim jarayonining tarkibiy qismidir.
- Tajriba-sinov ishlarini o'tkazish, pedagogik ish amaliyotida tadqiqot ishlarini tashkil etish shart-sharoitlari.
- Komil insonni tarbiyalashda ta'lim muassasasi, oila va maktab hamkorligi.
- "Ustoz-shogird" maktabini tashkil etish tartibi.

moslashuvini ta'minlovchi voqeaband o'yinlar ahamiyati.

- O'yinchoq faqat ovunchoqmi?
- "O'zimiz o'yinchoq yasaymiz" — o'yinchoq ustaxonasi.
- Interfaol strategiyalar. O'yin, tajriba va ixtiro — bola rivojlanishining asosiy omillari.

• Bolalarning tengdoshlari bilan muloqatini o'rganish va to'g'ri yo'naltirish usullari.

Psixologlar sho'basini

- Maktabgacha ta'lim muassasalarida psixologik xizmat: muammo va yechimlar.
- Turli yosh bosqichlarida bolalar qobiliyati va iqtidorining rivojlanish xususiyatlari. Umumiy va maxsus iqtidor.
- Maktabgacha yoshdagi bolalarning ko'rsatkichlar va bundagi ijtimoiy-hissiy rivojlanishida psixologik yordam.
- Bolalarni maktabga tayyorlashda psixologik yondashuv.
- Maktabgacha yoshdagi bolalar yosh krizislari. Bu jarayonning oson kechishini ta'minlash choralari.
- Maktabgacha ta'lim muassasasiga bolaning moslashuv davrida psixolog maslahatlari va ish uslublari.
- Maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan Davlat talablarida ijtimoiy-hissiy rivojlanish ko'rsatkichlari.
- Rivojlantiruvchi muhitni tashkil etishga psixologik yondashuv.
- Psixologik testlar natijalarini umumlashtirish va to'g'ri xulosalar chiqarish.
- Pedagogik jamoa bilan ishlash.
- Psixologning ota-onalar bilan olib boradigan ish shakllari.

Defektologlar sho'basini (tiflopedagog, oligofrenopedagog, surdopedagog, logoped)

- "Maxsus maktabgacha ta'lim

muassasalarining Nizomi" muhokamasi.

- Maktabgacha yoshdagi bolalar nutqiy faolligini oshirishda korreksion-logopedik ishlarni olib borish.
- Defektolog va tarbiyachi hamkorligi.
- Korreksion-rivojlantiruvchi ishlarda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish.
- Maktabgacha ta'lim muassasalarida inklyuziv ta'lim: muammo va yechim.
- Defektolog hujjatlari, ularni yuritish tartibi.
- Maxsus maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarni maktabga tayyorlash jarayonida innovatsion usullardan foydalanish.
- Ota-onalar bilan olib boradigan samarali ish shakllari.
- To'g'ri talaffuzga o'rgatishda logoritmik mashqlarni qo'llash.

Jismoniy tarbiya yo'riqchilari sho'basini

- MTMda jismoniy-sog'lomlashtiruvchi ishlarga innovatsion yondashuv.
- Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida o'yin elementlaridan foydalanish.
- Maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy tarbiya va sportga qiziqishlarini oshirish.
- Maktabgacha ta'lim muassasalarida jismoniy ko'ngilochar mashg'ulotlarni tashkil etish. Oilada jismoniy tarbiya va madaniyatni joriy etish usullari, milliy harakatli o'yinlarning o'rni.
- Muassasada sog'lomlashtiruvchi - profilaktik ishlarni tashkil etish.
- Gimnastika to'garagi — qiz bolalarning jismoniy kamolotiga zamin yaratuvchi vosita.
- Sport o'yinlari elementlari mavjud bo'lgan xalq o'yinlari.

Musiqah rahbarlari sho'basini

- Maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalar orkestrini tashkil qilish.
- Musiqah mashg'ulotlarida bolalarning to'g'ri talaffuzi ustida ishlash.
- Bolalarni cholg'u asboblari bilan tanishtirish usullari.
- Bolalarning musiqaga qiziqishlarini rivojlantirishda musiqali-didaktik o'yinlarning ahamiyati.
- Musiqah mashg'ulotlarining samaradorligini oshirishda musiqah rahbari va tarbiyachining hamkorligi.
- Musiqah rahbarining ish hujjatlarini yuritish va mashg'ulotlarni rejalashtirish.
- Iqtidorli bolalar bilan ishlash.
- Maktabgacha yoshdagi bolalarni turli ko'rik-tanlov va musobaqalarga jalb etish.
- Noan'anaviy musiqah mashg'ulotlarini tashkil etish.
- Bayram, ertalik va ko'ngilochar tadbirlarga tayyorgarlik davrida ota-onalar ishtiroki.

Hamshiralalar sho'basini

- Maktabgacha yoshdagi bolalar to'g'ri ovqatlanishida vitaminlarning ahamiyati va taomlarni vitaminlar bilan boyitish choralari.
- Bolalarni ta'lim muassasasida va uyda ovqatlanirishini muvofiqlashtirish.
- Maktabgacha ta'lim muassasasi oshxonasiga qo'yiladigan sanitariya talablariga rioya qilinishini ta'minlash choralari.
- Bolalarni sog'lomlashtirish va chiniqtirish ishlarini to'g'ri yo'lga qo'yish.
- Muassasada olib boriladigan tibbiy xizmat shakllari.
- Oila patronaji — ta'lim muassasasi va ota-onalar o'rtasida hamkorlik shakllaridan biri sifatida: monitoring, natijalari.

MAKTABGACHA MUASSASALAR XODIMLARINI QAYTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH RESPUBLIKA O'QUV-METODIKA MARKAZI

ЎҚИТУВЧИ-ТРЕНЕР

Август кенгашларида фаоллик кўрсатишга тайёр

Янги 2010-2011 ўқув йили бошланишига оз муддат қолди. Ўқув-тарбия жараёнига пухта тайёргарлик бўлгандагина таълимдаги кўрсаткичлар ҳар жиҳатдан юксалиши мумкин. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари моддий-техник база-си замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Галдаги асосий диққат-этибор таълим-тарбия тизими сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдан иборат.

Ана шу талаб Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида анъанавий Август кенгаш-

ларига тайёргарлик кўриш бўйича ўтказилган ўқув семинари кун тартибини белгилади. Унда республика-камизнинг барча вилоятларидан, туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган таълим соҳаси мутасаддилари, мактаб раҳбарлари иштирок этиб, янги ўқув йилида мўлжалланаётган янгиликлардан бохабар этилди. Ҳадемай ўз ҳудудлари доирасида бўлиб

ўтадиган Август кенгашларида улар ҳамкасбларига ана шу янгиликларни етказишда тренерлик қилишлари

Seminar



ри лозим.

Семинарда янги ўқув йили бошланиши олдидан ўтказиладиган Август кенгашлари орқали ҳар бир педагог, мураббийлар, ус-

тоз-ўқитувчилар билиши, тушуниб етиши зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар шарҳлаб берилди.

Шунингдек, тренер-ўқитувчилар билиши зарур бўлган муҳим ҳужжатлар — «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда раҳбар ходимларининг иш юклагасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқнома», «5—9-синф

ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом» ҳақида ҳам батафсил фикр юритилиб, кiritилган ўзгариш ва янгиликлар


юзасидан ахборот берилди. Ниҳоят, Август кенгашлари иштирокчилари ҳукмига ҳавола этиладиган яна бир йўналиш — «Устоз-шогирд мактаби» ҳам янги ўқув йилига ўзгача мазмун, ўзгача руҳ олиб киради. Семинарда ҳудудий доираларда ташкил этилаётган «Устоз-шогирд мактаби» ишини такомиллаштириш бўйича алоҳида шўъба иш олиб бориши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси мутахассиси Равшан Эшмуҳаммедов интерфаол метод асосида дарс ўтишнинг таълим тизимидаги ўрни хусусида тўхталиб, иштирокчиларнинг бу ҳақдаги малакаларини янада кенгайтди. Шундан сўнг тренер-ўқитувчилар шўъбаларга бўлиниб иш кўрдилар. Тафсилотлар билан газетамизнинг кейинги сонидан танишасиз.

Хулқар ТҲЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири.

Суратларда: семинардан лавҳалар.

Владимир ГРАНКИН
олган суратлар.



ТАЛАБАЛИК БАХТИГА МУШАРРАФ БУЛИНГ!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Педагогика олий таълим муассасаларига қанча абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинди?

— Республикамиздаги 5та (Жиззах, Нукус, Навоий, Ангрэн, Қўқон) педагогика олий таълим муассасаларига 50605 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Қабул кўрсаткичлари Жиззах ва Навоий давлат педагогика институтларида юқори бўлган. Шу жумладан, Тошкент давлат педагогика университетига 18514 нафар абитуриент ҳужжат топширган.

— Қайси мутахассисликларга талаб катта бўлаяпти?

— Албатта, бу йил ҳам касб таълими, педагогика, психология, тиббиёт каби соҳалардаги таълим йўналишларида абитуриентларимиздан кўп ҳужжат тушган. Жумладан, касб таълими, педагогика таълим йўналишларига қабул квотасига нисбатан ўртача 24-27 нафар, психология, тиббиёт йўналишлари бўйича бир ўринга 22-25 нафар абитуриент тўғри келади. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳа йўналишларига ҳам қабул квотасига нисбатан абитуриентлар танловининг юқорилиги сақланиб қолган.

— Қайси институт ёки университетга қабул квотасига нисбатан энг кўп абитуриент ҳужжат топширди?

— Абитуриентларимиздан тушган ҳужжатларнинг умумий сонига нисбатан бу йил Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида қабул квотасига нисбатан бир ўринга 18,2 нафар абитуриент

тўғри келган бўлса, Андижон давлат университетига бир ўринга 12 нафар абитуриент, Тошкент тиббиёт академияси, Термиз давлат университети, Андижон давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширган абитуриентлар сони қабул квотасига нисбатан ўртача 11 нафар ва ундан юқорини ташкил этган.

— Жорий йилда янги очилган йўналишларга қизиқиш ва талаб қандай бўлди?

— Маълумки, 20тадан ортиқ олий таълим муассасаларида ушбу ўқув йилида 100дан ортиқ янги таълим йўналишлари очилди. Мазкур таълим йўналишларига ҳам абитуриентларимиздан тушган ҳужжатлар бошқа таъ-

лим йўналишларига тушган аризалардан кам эмас. Хусусан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети-нинг «жаҳон сиёсати» таълим йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлар сони қабул квотасига нисбатан бир ўринга 10 нафарни ташкил этган бўлса, Тошкент Ислом университети «психология (дин социопсихологияси)» таълим йўналишига ажратилган қабул квотасига нисбатан бир ўринга 11 нафар абитуриент тўғри келган.

— 1 август — тест синовлари куни. Ушбу жараёнга қандай ҳозирлик кўрилаяпти?

— Республикамиздаги олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентларимиздан 1 август куни тест синовларини олиш учун 394та бино, 1119та қават, 11111та аудитория тайёрланди. Шунингдек, 2000 нафардан ортиқ Давлат тест маркази вакиллари ҳамда 36 мингга яқин аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар рўйхати шакллантирилди ва улар учун алоҳида ўқув семинарлари ҳамда амалий машғулотлар ташкил этилди. Уларнинг ҳар бири тест синовлари давомидаги вазифалари ва бажарадиган ишлари мазмунига оид тарқатма материаллар билан таъминланди.

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан ҳар бир таълим муассасаларида бош штаб, биноларда алоҳида штаблар ҳамда тест материалларини сақлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун алоҳида хоналар, уларни сақлаш анжомлари (темир сандиқлар) тайёрлаб қўйилди.

Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ
суҳбатлашди.

• Олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентларнинг умумий сони 385645 нафарни ташкил этди.

• Бу йил абитуриентлар сони ўтган йилга нисбатан 48520 нафарга кўпайди.

• Тест синовларига пухта тайёргарлик кўрган ёшларнинг 56607 нафари талабалик бахтига муяссар бўлади.

• Бу йил ҳам касб таълими, педагогика, психология, тиббиёт каби соҳалардаги таълим йўналишларида абитуриентларимиздан кўп ҳужжат тушган.

• Жумладан, касб таълими, педагогика таълим йўналишларига қабул квотасига нисбатан ўртача 24-27 нафар, психология, тиббиёт йўналишлари бўйича бир ўринга 22-25 нафар абитуриент тўғри келади.

• Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида қабул квотасига нисбатан бир ўринга 18,2 нафар абитуриент ҳужжат топширган.

• Ушбу ўқув йилида 20тадан ортиқ олий таълим муассасаларида 100дан ортиқ янги таълим йўналишлари очилди.

• Республикамиздаги олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентларимиздан 1 август куни тест синовларини олиш учун 394та бино, 1119та қават, 11111та аудитория тайёрланди.

• 2000 нафардан ортиқ Давлат тест маркази вакиллари ҳамда 36 мингга яқин аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар рўйхати шакллантирилди ва улар учун алоҳида ўқув семинарлари ҳамда амалий машғулотлар ташкил этилди.

**O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tomonidan ta'lim
gozoq tilida olib boriladigan umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2010-2011 o'quv
yilida foydalanishga tavsiya etilgan darslik va o'quv qo'llanmalar**

RO'YXATI

(Davomi. Boshi o'tgan sonida.)

T/r	Darslik va o'quv qo'llanmalar nomi	Mualliflar	Nashr etilgan yili	Ta'minlanish turi
5-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2006	ijara
2	Qozoq tili (Qazaq tili)	A.Isabayev va b.	2006	ijara
3	Adabiyot (Эdebiet)	K.Seydanov va b.	2006	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2006	ijara
5	Ingliz tili "Fly High English"	L.Jo'rayev va b.	2007	ijara
6	Nemis tili «Deutsch»	M.Qiyomova va b.	2007	ijara
7	Fransuz tili	A.Nosirov va b.	2007	ochiq savdo
8	Tarixdan hikoyalar	Q.Usmonov va b.	2007	ijara
9	Vatan tuyg'usi	X.Sultonov va b.	2007	ijara
10	Matematika	M.Mirzaahmedov va b.	2007	ijara
11	Botanika	O'.Pratov va b.	2007	ijara
12	Informatika	B.Boltayev va b.	2008	ijara
13	Tabiiy geografiya boshlangich kursi	P.G'ulomov va b.	2005	ijara
14	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2008	kutubxona fondi
15	Musiq	A.Mansurov	2005	kutubxona fondi
16	Jismoniy tarbiya (5-6)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi
6-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2009	ijara
2	Qozoq tili (Qazaq tili)	A.Isabayev va b.	2009	ijara
3	Adabiyot (Эdebiet)	Ye.Abdualitov va b.	2009	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009	ijara
5	Ingliz tili "Fly High English"	L.Jo'rayev va b.	2009	ijara
6	Nemis tili «Assalom, Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2009	ijara
7	Fransuz tili «Voyage en France»	Z.Abdushukurova va b.	2009	ijara
8	Matematika	M.Mirzaahmedov va b.	2009	ijara
9	Fizika	N.Turdiyev	2009	ijara
10	Tarix	A.Sa'dullayev va b.	2009	ijara
11	Vatan tuyg'usi	X.Sultonov va b.	2007	ijara
12	Botanika	O'.Pratov va b.	2009	ijara
13	Geografiya	A.Soatov va b.	2009	ijara
14	Informatika	B.Boltayev va b.	2009	ijara
15	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2008	kutubxona fondi
16	Musiq	S.Begmatov va b.	2008	kutubxona fondi
17	Jismoniy tarbiya (5-6)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi
7-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2009	ijara
2	Qozoq tili (Qazaq tili)	D.Aytbayev va b.	2009	ijara
3	Adabiyot (Эdebiet)	K.Seydanov va b.	2009	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009	ijara
5	Ingliz tili "Fly High English"	L.Jo'rayev va b.	2009	ijara
6	Nemis tili «Assalom, Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2009	ijara
7	Fransuz tili "Bon voyage"	V.Buxin va b.	2009	ijara
8	O'zbekiston tarixi	A.Muhammadjonov	2009	ijara
9	Jahon tarixi	T.Salimov va b.	2009	ijara
10	Algebra	Sh.Alimov va b.	2009	ijara
11	Geometriya	A.Azamov va b.	2009	ijara
12	Fizika	P.Xabibullayev va b.	2009	ijara
13	Kimyo	I.Asqarov va b.	2009	ijara
14	Zoologiya	O.Mavlonov	2009	ijara
15	Geografiya	P.G'ulomov va b.	2009	ijara
16	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	M.Qarshiboyev va b.	2007	ijara
17	Informatika	B.Boltayev va b.	2009	ijara
18	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2008	ochiq savdo
19	Musiq	O.Ibrohimov va b.	2008	kutubxona fondi
20	Jismoniy tarbiya (7-8)	T.Usmonxo'jayev va b.	2008	kutubxona fondi
8-sinf				
1	O'zbek tili	H.Muhiddinova va b.	2010	ijara
2	Qozoq tili (Qazaq tili)	D.Aytbayev va b.	2010	ijara
3	Adabiyot (Эdebiet)	Ye.Abdualitov va b.	2010	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010	ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2010	ijara
6	Nemis tili «Assalom, Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2010	ijara
7	Fransuz tili «Le nouveau voyage en France»	Z. Abdushukurova va b.	2010	ijara
8	O'zbekiston tarixi	Q.Usmonov va b.	2010	ijara
9	Jahon tarixi	U.Jo'rayev va b.	2010	ijara
10	O'zbekiston davlati va huquqi asoslari	O.Karimova va b.	2010	ijara
11	Iqtisodiy bilim asoslari	E.Sarikov va b.	2010	ijara
12	Algebra	Sh.Alimov va b.	2010	ijara
13	Geometriya	A.Rahimqoriyev	2010	ijara
14	Fizika	P.Xabibullayev va b.	2010	ijara
15	Kimyo	I.Asqarov va b.	2010	ijara
16	Odami va uning salomatligi	B.Aminov va b.	2010	ijara
17	Geografiya	P.Musayev va b.	2010	ijara
18	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	B.Boltayev va b.	2006	kutubxona fondi
19	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	R.Qo'chqor va b.	2007	ijara
20	Chizmachilik	I.Raxmonov	2010	ijara
21	Jismoniy tarbiya (7-8 s.)	T.Usmonxo'jayev va b.	2008	kutubxona fondi
9-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev	2010	ijara
2	Qozoq tili (Qazaq tili)	Q.Jumayev va b.	2010	ijara
3	Adabiyot (Эdebiet)	S.Amanjayev va b.	2010	ijara
4	Русский язык	Yu.Azizxonova va b.	2010	ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2010	ijara
6	Nemis tili «Deutsch»	M.Dadaxodjayeva va b.	2010	ijara
7	Fransuz tili «D'un Etat a l'autre»	S.Raxmonov va b.	2010	ijara
8	O'zbekiston tarixi	S.Tilayev va b.	2010	ijara
9	Jahon tarixi	M.Lafasov va b.	2010	ijara
10	Konstitutsiyaviy huquq asoslari	V.Kostetskiy va b.	2010	ijara
11	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	O.Musurmonova va b.	2007	ijara
12	Iqtisodiy bilim asoslari	E.Sarikov va b.	2010	ijara
13	Algebra	Sh.Alimov va b.	2010	ijara
14	Geometriya	B.Haydarov va b.	2010	ijara
15	Fizika	P.Xabibullayev va b.	2010	ijara
16	Kimyo	I.Asqarov va b.	2010	ijara
17	Biologiya. Sitologiya va genetika asoslari	A.Zikiryayev va b.	2010	ijara
18	Jahon iqtisodiy - ijtimoiy geografiyasi	A. Qayumov va b.	2010	ijara
19	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	A.Abdudodirov va b.	2006	kutubxona fondi
20	Chizmachilik	I.Raxmonov	2010	ijara
21	Jismoniy tarbiya	T.Usmonxo'jayev va b.	2008	kutubxona fondi
10-sinf				
1	O'zbek tili	M.To'xtamirzayev	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
2	Qozoq tili	D.Aytbayev va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
3	Qozoq adabiyoti	S.Qirabayev va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
5	Ingliz tili	J.Jalolov	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
6	Nemis tili	B.Zardinova	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
7	Fransuz tili	V.Buxin va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
8	O'zbekiston tarixi	D.Alimova va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
9	Jahon tarixi	G.Hidoyatov	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
10	Huquqshunoslik	V.Kostetskiy va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
11	Iqtisodiyot va biznes asoslari	E.Sariqov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
12	Algebra va analiz asoslari	Sh.Alimov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
13	Geometriya	A.Pogorelov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
14	Fizika	M.Shaxmayev va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
15	Kimyo	G.Rudzitis va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
16	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	A.Abdudodirov	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
17	Umumiy biologiya	Yo.To'raqulov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
18	Amaliy geografiya	A.Rafikov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
19	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari (10-11-s.)	Q.Nazarov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
20	Chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash (10-11-s.)	H.Jo'rayev va b.	2005	ochiq savdo
21	Jismoniy tarbiya (10-11-s.)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
11-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
2	Adabiyot (Qazaq Эdebieti)	M.Bazarbayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
3	Qozoq tili (Qazaq tili)	K.Jidebayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
5	Ingliz tili	J.Jalolov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
6	Nemis tili	B.Zardinova	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
7	Fransuz tili	Z.Abdushukurova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
8	O'zbekiston tarixi	N.Jo'rayev	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
9	Jahon tarixi	G.Hidoyatov	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
10	Huquqshunoslik	V.Kostetskiy va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
11	Iqtisodiyot va biznes asoslari	E.Sariqov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
12	Algebra va analiz asoslari	Sh.Alimov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
13	Geometriya	A.Pogorelov	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
14	Fizika	N.Shaxmayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
15	Astronomiya	M.Mamadazimov	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
16	Kimyo	A.Muftaxov	2004	kutubxona fondi, ochiq savdo
17	Umumiy biologiya	A.G'ofurov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
18	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	B.Boltayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
19	Inson va jamiyat	N.Jo'rayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
20	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari (10-11-s.)	Q.Nazarov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
21	Jismoniy tarbiya (10-11-s.)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
22	Chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash (10-11-s.)	H.Jo'rayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tomonidan ta'lim tojik tilida olib boriladigan umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2010-2011-o'quv yilida foydalanishga tavsiya etilgan darslik va o'quv qo'llanmalar RO'YXATI

T/r	Darslik va o'quv qo'llanmalar nomi	Mualliflar	Nashr etilgan yili	Ta'minlanish turi
1-sinf				
1	Alifbe (Alifbo)	M.Lutfulloev va b.	2010	bepul
2	Yozuv daftari	Z.Tohiriyon va b.	2010	bepul
3	Ona tili va o'qish kitobi (Zaboni modari va kitobi xonish)	A.Vohidov va b.	2010	bepul
4	Matematika	M.Ahmedov va b.	2010	bepul
5	Matematika daftari	M.Jumayev va b.	2010	bepul
6	Atrofimzdagi olam	A.Grigoryans	2010	bepul
7	Odobnoma	O.Hasanboyeva	2010	bepul
8	Tasviriy san'at	R.Hasanov	2010	bepul
9	Musiqqa	H.Nurmatov va b.	2010	bepul
10	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2008	kutubxona fondi
11	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2010	bepul
2-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2010	ijara
2	Ona tili (Zaboni modari)	T.Choriyev	2010	ijara
3	O'qish kitobi (Kitobi xonish)	J. Eshonqulov	2010	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010	ijara
5	Matematika	N.Bikbayeva va b.	2010	ijara
6	Atrofimzdagi olam	P.C'ulomov va b.	2010	ijara
7	Odobnoma	Q.Abdullayeva va b.	2010	ijara
8	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2008	kutubxona fondi
9	Musiqqa	H.Nurmatov va b.	2010	ijara
10	Tasviriy san'at	M.Isakova va b.	2010	ijara
11	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2010	ijara
3-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev va b.	2010	ijara
2	Ona tili (Zaboni modari)	T. Choriyev	2010	ijara
3	O'qish kitobi (Kitobi xonish)	Yu. Azimov	2010	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010	ijara
5	Matematika	N.Bikbayeva va b.	2010	ijara
6	Tabiatshunoslik	A.Bahromov	2010	ijara
7	Odobnoma	O.Hasanboyeva va b.	2010	ijara
8	Tasviriy san'at	M.Isakova va b.	2010	ijara
9	Musiqqa	H.Nurmatov va b.	2010	ijara
10	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2010	ijara
11	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2008	kutubxona fondi
4-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev va b.	2009	ijara
2	Ona tili (Zaboni modari)	A.Zohidov	2009	ijara
3	O'qish kitobi (Kitobi xonish)	H.Sabohiy va b.	2009	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009	ijara
5	Matematika	A.Quchqarov va b.	2009	ijara
6	Tabiatshunoslik	A.Grigoryans va b.	2009	ijara
7	Odobnoma	O.Hasanboyeva va b.	2009	ijara
8	Musiqqa	O.Ibrohimov va b.	2009	ijara
9	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2009	ijara
10	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2008	kutubxona fondi
5-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2006	ijara
2	Tojik tili (Zaboni tojiki)	F.Isomiddinov va b.	2005	ijara
3	Adabiyot (Adabiyot)	A.Qamarzoda	2005	ijara
4	«Guliston adab» (majmua), 5-6-sinf	A.Qamarzoda	2007	kutubxona fondi
5	Русский язык	R.Tolipova va b.	2006	ijara
6	Ingliz tili "Fly High English"	L.Jo'rayev va b.	2007	ijara
7	Fransuz tili	A.Nosirov va b.	2007	ochiq savdo
8	Nemis tili «Deutsch»	M.Qiyomova va b.	2007	ijara
9	Tarixdan hikoyalar	Q.Usmonov va b.	2007	ijara
10	Matematika	M.Mirzaahmedov va b.	2007	ijara
11	Informatika	B.Boltayev va b.	2008	ijara
12	Botanika	O'.Pratov va b.	2007	ijara
13	Tabiiy geografiya boshlang'ich kursi	P.C'ulomov va b.	2005	ijara
14	Vatan tuyg'usi	X.Sultonov va b.	2007	ijara
15	Musiqqa	A.Mansurov va b.	2005	kutubxona fondi
16	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2008	kutubxona fondi
17	Jismoniy tarbiya (5-6)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi
6-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2009	ijara
2	Tojik tili (Zaboni tojiki)	M.Kabirov va b.	2009	ijara
3	Adabiyot (Adabiyot)	S.Sa'diyev va b.	2009	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009	ijara
5	Ingliz tili "Fly High English"	L.Jo'rayev va b.	2009	ijara
6	Nemis tili «Assalom, Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2009	ijara
7	Fransuz tili «Voyage en France»	Z.Abdushukurova va b.	2009	ijara
8	Tarix	A.Sa'dullayev va b.	2009	ijara
9	Matematika	M.Mirzaahmedov va b.	2009	ijara

10	Fizika	N.Turdiyev	2009	ijara
11	Botanika	O'.Pratov va b.	2009	ijara
12	Geografiya	A.Soatov va b.	2009	ijara
13	Vatan tuyg'usi	X.Sultonov va b.	2007	ijara
14	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2008	kutubxona fondi
15	Informatika	B.Boltayev va b.	2009	ijara
16	Musiqqa	S.Begmatov va b.	2008	kutubxona fondi
17	Jismoniy tarbiya (5-6)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi
7-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2009	ijara
2	Tojik tili (Zaboni tojiki)	A.Vohidov va b.	2009	ijara
3	Adabiyot (Adabiyot)	Z.Tohiriyon va b.	2009	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009	ijara
5	Ingliz tili "Fly High English"	L.Jo'rayev va b.	2009	ijara
6	Nemis tili «Assalom,Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2009	ijara
7	Fransuz tili "Bon voyage "	V.Buxin va b.	2009	ijara
8	O'zbekiston tarixi	A.Muhammadjonov	2009	ijara
9	Jahon tarixi	T.Salimov va b.	2009	ijara
10	Algebra	Sh.Alimov va b.	2010	ijara
11	Geometriya	A.A'zamov va b.	2009	ijara
12	Fizika	P.Habibullayev va b.	2009	ijara
13	Kimyo	I.Asqarov va b.	2009	ijara
14	Zoologiya	O.Mavlonov	2009	ijara
15	Geografiya	P.C'ulomov va b.	2009	ijara
16	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	M.Qarshiboyev va b.	2007	ijara
17	Informatika	B.Boltayev va b.	2009	ijara
18	Tasviriy san'at	A.Sulaymonov va b.	2005	kutubxona fondi
19	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy	2007	kutubxona fondi
20	Musiqqa	O.Ibrohimov va b.	2007	kutubxona fondi
21	Jismoniy tarbiya (7-8)	T.Usmonxo'jayev va b.	2006	kutubxona fondi
8-sinf				
1	O'zbek tili	H.Muhiddinova va b.	2010	ijara
2	Tojik tili (Zaboni tojiki)	T.Choriyev va b.	2010	ijara
3	Adabiyot (Adabiyot)	A.Qamarzoda va b.	2010	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010	ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2010	ijara
6	Nemis tili «Assalom,Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2010	ijara
7	Fransuz tili «Le nouveau voyage en France»	Z. Abdushukurova va b.	2010	ijara
8	O'zbekiston tarixi	Q.Usmonov va b.	2010	ijara
9	Jahon tarixi	U.Jo'rayev va b.	2010	ijara
10	O'zbekiston davlati va huquqi asoslari	O.Karimova va b.	2010	ijara
11	Iqtisodiy bilim asoslari	E.Sarikov va b.	2010	ijara
12	Algebra	Sh.Alimov va b.	2010	ijara
13	Geometriya	A.Rahimqoriyev	2010	ijara
14	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	R.Qo'chqor va b.	2007	ijara
15	Fizika	P.Habibullayev va b.	2010	ijara
16	Kimyo	I.Asqarov va b.	2010	ijara
17	Odam va uning salomatligi	B.Aminov va b.	2010	ijara
18	Geografiya	P.Musayev va b.	2010	ijara
19	Jismoniy tarbiya (7-8)	T.Usmonxo'jayev va b.	2006	kutubxona fondi
20	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	B.Boltayev va b.	2006	kutubxona fondi
21	Chizmachilik	I.Rahmonov	2010	ijara
9-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev	2010	ijara
2	Tojik tili (Zaboni tojiki)	M.Kabirov va b.	2010	ijara
3	Adabiyot (Adabiyot)	J.Hamroyev	2010	ijara
4	Русский язык	Y.Azizxonova va b.	2010	ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2010	ijara
6	Nemis tili «Deutsch»	M.Dadaxodjayeva va b.	2010	ijara
7	Fransuz tili «D'un Etat a l'autre»	S.Rahmonov va b.	2010	ijara
8	O'zbekiston tarixi	S.Tillayev va b.	2010	ijara
9	Jahon tarixi	M.Lafasov va b.	2010	ijara
10	Konstitutsiyaviy huquq asoslari	V.Kostetskiy va b.	2010	ijara
11	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	O.Musurmonova va b.	2007	ijara
12	Iqtisodiy bilim asoslari	E.Sarikov va b.	2010	ijara
13	Algebra	Sh.Alimov va b.	2010	ijara
14	Geometriya	B.Haydarov va b.	2010	ijara
15	Fizika	P.Habibullayev va b.	2010	ijara
16	Kimyo	I.Asqarov va b.	2010	ijara
17	Biologiya, Sitologiya va genetika asoslari	A.Zikiryayev va b.	2010	ijara
18	Jahon iqtisodiy- ijtimoiy geografiyasi	A. Qayumov va b.	2010	ijara
19	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	A.Abdugodirov va b.	2006	kutubxona fondi
20	Chizmachilik	I.Rahmonov	2010	ijara
21	Jismoniy tarbiya	T.Usmonxo'jayev va b.	2008	kutubxona fondi

O'QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH VA PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK TASHXIS TIZIMI MUTAXASSISLARINING AVGUST KENGASHLARINI O'TKAZISH BO'YICHA TAVSIYALAR

Mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab barkamol avlod tarbiyasiga alohida e'tibor berib kelinmoqda. Bu e'tibor O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi va Vazirlar Mahkamasi tomonidan 2004-yil 9-iyunda tasdiqlangan "2004—2009-yillarda maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturi"da o'z ifodasini topgan bo'lsa, 2010-yilning Prezidentimiz tomonidan "Barkamol avlod yili" deb e'lon qilinishi yoshlarning o'z salohiyati, qobiliyati va iste'dodini to'liq namoyon etishiga yana bir zamin yaratdi. Zero, kelajakda jamiyat taraqqiyoti, Vatanimiz ravnaqi yosh avlodning kamoloti, ilmiy salohiyati, milliy va umumbashariy qadriyatlar asosida tarbiya topishiga bevosita bog'liq.

Ana shu muhim masalani hal etishda yoshlarni kasb-hunarga to'g'ri yo'naltirishni takomillashtirib borish, ta'lim samaradorligini oshirishda yangi texnologiyalarni qo'llash, ta'lim va tarbiyaning bir butunligiga erishish uchun zamon talablaridan kelib chiqqan holda tarbiyaviy ishlarni tashkil etish, o'quvchi-yoshlarning har qanday tashabbuslarini, ijodiy faoliyatini, istak va xohishlarini hisobga olgan holda ularning kelajakda kasb tanlash sohasidagi intilishlarini qo'llab-quvvatlash maqsadga muvofiqdir.

Mazkur jarayonlar asosida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish va psixologik-pedagogik tashxis tizimi mutaxassislarining an'anaviy Avgust kengashlarida atroflicha muhokama va tahlillar asosida hududdagi mavjud muammolarning yechimlarini topish lozim. Shu bilan birga, tashxis tizimida faoliyat ko'rsatayotgan xodimlar yakunlangan o'quv yili davomida amalga oshirilgan ishlarni tanqidiy yondoshgan holda tahlil etishi, erishilgan yutuqlarni mustahkamlash, yo'l qo'yilgan kamchilik va nuqsonlarning sabablarini aniqlash, yangi o'quv yilida ularni takrorlamalikka qaratilgan chora-tadbirlar ishlab chiqish bilan keyingi faoliyat yo'nalishlarini belgilab olishi kerak.

O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish va psixologik-pedagogik tashxis tizimi faoliyatini yaxshilash yo'nalishida Avgust kengashlarida muhokamaga qo'yiladigan mavzular quyidagi yo'nalishlardagi muammolarning yechimini topishga qaratilishi maqsadga muvofiq:

- olti yoshdan qabul qilingan bolalarning maktabga moslashuvi, ularning ta'lim olish davrida salomatligini o'rganib borishda sinf rahbari, maktab psixologi va shifokorining hamkorligini tashkil etish;
- psixologik xizmat samaradorligini oshirish maqsadida ta'lim muassasalarini mutaxassis kadrlar bilan ta'minlanishiga erishish, ular malakasini oshirish, mutaxassislarni qayta tayyorlashni tashkil etish;
- ta'lim muassasalarida psixologik xizmat xonalarni talab darajasida tashkil etish va undan foydalanish samaradorligini oshirish;
- maktab amaliyotchi psixologlarini tegishli huquqiy-me'yoriy hujjatlar hamda sohaga oid maxsus adabiyotlar bilan ta'minlash;
- ta'lim muassasalari jamoasi, o'quvchilar hamda ota-onalarning psixologik bilimlarni boyitish maqsadida ularni jarayonga jalb etish;
- maktab pedagogik jamoasida sog'lom psixologik muhitni shakllantirishda shaxslararo munosabatlarni

rivojlantirishning ilmiy-amaliy, psixologik usul va vositalaridan foydalanish;

- ta'lim muassasasida psixologik xizmatni tashkil etishda muassasa rahbarining o'rni;

- maktabda faoliyat olib boradigan kasb-hunarga yo'naltirish komissiyalari faoliyatini yaxshilash, komissiyalarining tuman (shahar) hokimligi huzuridagi "Muvofiqlashtiruvchi kengash"lar bilan uzviy hamkorlikda ishlashni tashkil etish;

- hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi va iqtisodiyotning real tarmoqlarida talab etilayotgan mutaxassisliklar, mehnat bozori talablarini o'rganish asosida kasb-hunarga yo'naltirish ishlarini tashkil etish;

- fanlarni o'qitish jarayonida kasbiy bilimlar berish va o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish;

- psixologik-pedagogik tashxis tizimida mahalliy va xorij ilg'or tajribalarini o'rganish, ularni ommalashtirish, sharoitga moslashtirish muammolari.

Yuqorida sanab o'tilganlarning har biri alohida bir yo'nalishi sifatida, uzviy bog'liq va yaxlit tizimni tashkil etadi va o'z o'rnida maktab oldiga qo'yilgan bir butun vazifani, ya'ni barkamol avlodni jismonan va aqlan sog'lom tarbiyalash, ta'lim sifati va samaradorligini yaxshilashga erishish, bitiruvchilarning keyingi hayot faoliyatini to'g'ri anglab yetishi, mustaqil ravishda kasb-hunar va o'qishni davom ettirish uchun o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasasini tanlashi uchun keng imkoniyatlar yaratishga xizmat qiladi.

Shuning uchun yuqoridagi yo'nalishlar nafaqat tashxis tizimi xodimlari, balki ta'lim muassasalari rahbarlari, fan o'qituvchilari, sinf rahbarlari uchun ham birdek taalluqli.

O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish va psixologik-pedagogik Respublika tashxis markazi shularni inobatga olib, pedagoglarning an'anaviy Avgust kengashlarida muhokama etish uchun quyidagi mavzularni tavsiya etadi.

Viloyat, tuman (shahar) xalq ta'limi xodimlarining Avgust kengashlarida muhokama etish uchun mavzular

1. Ta'lim muassasalarida psixologik xizmatni rivojlantirishning dolzarbligi.

2. Ta'lim muassasalarining mutaxassis psixologlar bilan ta'minlanish ahvoli. Psixologlar uchun qayta tayyorlash va malaka oshirish kurslarini tashkil etishning muammolari va ularning yechimlari.

3. Ta'lim muassasalarida psixologik xizmatni yaxshilash uchun muassasalarini me'yoriy hujjatlar, tavsiyanomalar, yo'riqnomalar, metodik qo'llanmalar bilan ta'minlash muammolari va ularning yechimlari.

4. Kasb-hunarga to'g'ri yo'naltirishda o'quvchilar va ota-onalarni axborot bilan ta'minlash, tuman (shahar) hokimliklari huzuridagi "Muvofiqlashtiruvchi kengash"lar bilan xalq ta'limi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimi muassasalari hamkorligining ahamiyati.

5. Hududning kelajak (yaqin 5-10 yil)dagi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi bilan bog'liq holda iqtisodiyotning real tarmoqlari va mehnat bozorida talab etiladigan mutaxassislarni aniqlash va shunga muvofiq o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish ishlarini tashkil etishning dolzarbligi.

6. Hududlarning ma'lum bir kasb yoki hunarga ega bo'lgan mutaxassislarga ehtiyojini aniqlash orqali, faoliyat yuritayotgan o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalaridagi kasbiy ta'lim yo'nalishlarini o'zgartirish yuzasidan takliflar berishda xalq ta'limi tizimi tashkilotlarining tashabbuskorligi va tashkilotchilik o'rni.

Umumiy o'rta ta'lim maktablari rahbarlari, boshlang'ich sinf va mehnat ta'limi o'qituvchilari, amaliyotchi psixologlar va tibbiy xodimlar sho'balarda muhokama etish uchun mavzular

1. O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirishda maktab, mahalla, oila hamkorligini yo'lga qo'yishning dolzarb masalalari.

2. Fanlarni o'qitish jarayonida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish orqali ularning kasbiy qiziqish va qobiliyatlarini rivojlantirish.

3. Uzlaksiz kasb-hunarga yo'naltirish Dasturiga asosan boshlang'ich sinflarda o'tkaziladigan "Kasb-hunarga yo'naltirish mashg'ulotlari"ning mazmuni va samaradorligini oshirish omillari.

4. Olti yoshli bolalarni maktabga moslashtirish bo'yicha o'tkaziladigan psixodiagnostik ishlar sifatini oshirish omillari.

5. Maktabga qabul qilingan olti yoshli bolalarning maktabga moslashishi va ularning rivojlanish dinamikasi bo'yicha o'tkaziladigan psixokorreksion ishlar.

6. Olti yoshli bolalarni maktabga moslashtirishda psixologning o'rni.

7. Amaliyotchi psixologning psixodiagnostik faoliyati nazariy asoslari va amaliy ahamiyati.

8. O'quvchilarning layoqati, qiziqishi va qobiliyatlarini tashxis qilish hamda ularning imkoniyatlariga mos kasb-hunarlarni ongli tanlashlariga ko'maklashishning dolzarbligi.

9. Deviant va delinkvent xulq-atvorli bolalar bilan ishlashda psixologning ota-onalar, sinf rahbarlari bilan hamkorligi.

10. Xulqi og'ishganlikning psixoprofilaktikasi.

11. O'quvchilar, o'qituvchilar va ota-onalarga psixologik maslahat berish, ular bilan psixologik tashxis, psixologik korreksiyaga oid tadbirlarni o'tkazishning ahamiyati.

12. Shaxs va jamoaga faol ruhiy ta'sir o'tkazish (ruhiy muvozanatlash-tirishga oid treninglar olib borish)ning usullari.

13. Fanlarni o'qitish jarayonida o'quvchilarning iqtidorini aniqlash va rivojlantirish usullari.

14. Olti yoshli bolalar tibbiy ko'rigida nosog'lom deb topilgan bolalarni sog'lomlashtirish muammolari va ularning yechimlari.

15. Tuman (shahar) tashxis markazlari va hududiy sog'liqni saqlash bo'limlari hamkorligini yaxshilashning ahamiyati.

16. O'quvchi-yoshlarning tibbiy madaniyatini oshirish muammolari.

17. Umumta'lim maktablarida logoped faoliyatining ahamiyati va uni tashkil etish muammolari.

18. Umumta'lim maktablariga integratsiya qilingan imkoniyati cheklangan bolalarga tibbiy xizmat ko'rsatish masalalari.

Ta'lim muassasalari defektologlari sho'basida muhokama etish uchun mavzular

1. Imkoniyati cheklangan bolalarni umumta'lim maktablariga integratsiya qilishning ahamiyati.

2. Inklyuziv ta'lim bilan qamrab olingan imkoniyati cheklangan bolalarni tibbiy nazorat qilish muammolari.

3. Imkoniyati cheklangan 9-sinf bitiruvchilarini kasb-hunar kollejlari o'qitish bilan qamrab olish muammolari va uning yechimlari.

4. Hududiy tashxis markazlari defektologlari faoliyatini tashkil etish masalalari.

5. Nutq boyligini oshirish, fonematik idrokni rivojlantirish, bolalarni qo'l mehnatiga o'rgatish usullari.

6. Bolalar tovush talaffuzidagi kamchiliklarni bartaraf etish uchun ta'lim muassasalarida logopedik mashg'ulotlar olib borilishining ahamiyati.

7. Maxsus maktabgacha ta'lim muassasasida logoped va tarbiyachilar hamkorligini mustahkamlashda innovatsion usullardan foydalanish.

8. Yordamchi maktablarda darslar, individual mashg'ulot, sinfdan tashqari o'qish, nutq ertaliklari, ekskursiyalar, musiqiy ritmik mashg'ulot va fakultativ yo'lga qo'yilishining ahamiyati.

9. Ko'zi ojiz va zaif ko'ruvchi bolalarni o'qitishga differensial yondoshuvning ahamiyati.

10. Eshitishda muammosi bo'lgan bolalarning ta'lim jarayonidagi ijodiy ishlarni bajarishida mayda qo'l motorikasiga e'tibor qaratishning ahamiyati.

11. Eshitishda muammosi bo'lgan bolalarning nutqini rivojlantirish hamda kasbga yo'naltirish orqali ijtimoiy hayotga moslashtirish.

12. Imkoniyati cheklangan bolalarni defektologik-psixologik tashxis asosida aniqlash, saralash usullari.

Umumiy o'rta ta'lim maktablari kasb-hunarga yo'naltiruvchi mutaxassislarining sho'basida muhokama etish uchun mavzular

1. O'quvchilarni uzluksiz kasb-hunarga yo'naltirish ishlarining tarkibiy mazmuni.

2. O'quvchilarni o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalariga yo'naltirish komissiyalari faoliyati tahlili: tajribalar, muammolar, yechimlar.

3. O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirishning faol psixologik-pedagogik texnologiyalari.

4. O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirishning zamonaviy axborot texnologiyalari va ulardan amaliyotda foydalanishning ahamiyati.

5. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish ishlarining uzviyligini ta'minlashda o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari bilan hamkorlik ishlarining mazmuni, usullari va shakllari.

6. Jismoniy va ruhiy rivojlanishda nuqsoni bo'lgan 9-sinf bitiruvchilarini ta'limning keyingi bosqichi bilan qamrab olish muammolari va ularning yechimlari.

Yuqorida tavsiya etilgan va sho'balarda bo'yicha belgilangan mavzularga ijodiy yondashib, hududning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda ularga o'zgartirishlar yoki qo'shimcha dolzarb mavzular kiritilishi mumkin.

ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК КОМИССИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда), "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда) ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон "Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 194-модда) мувофиқ Тиббий-психологик-педагогик комиссияларнинг (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солиди.

I. Умумий қондалар

1. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузурида тузилади. Комиссия ўз ишини жамоатчилик асосида юритади.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, мазкур Низомга амал қилади.

3. Комиссия ўз фаолиятини қарорлар қабул қилишда ҳолислик, очиқлик, ошкоралик ва коллегиаллик тамойилларига асосланган ҳолда олиб боради.

4. Давлат махсус мактабгача таълим муассасасига (кейинги ўринларда муассаса деб юритилади) 2—7 ёшдаги болаларнинг қуйидаги тоифалари қабул қилинади:

нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар (алалия, болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудукланиш, рухий-нутқий ривожланишда орқада қолиш);

эшитишида оғир нуқсонлар бўлган болалар (I — IV гуруҳ карлик, ёмон эшитувчилар, орттирилган карлик); кўришида оғир нуқсонла-

ри бўлган болалар (кўзи ожизлар, амблиопия ва гилайлик, заиф кўрадиганлар);

таянч-ҳаракатланиш аъзосида нуқсонлари бўлган болалар (бош мия, бўйин, кўкрак қафаси, умуртқа, бўғимлар ва оёқлар операцияларининг барча турларидан кейинги ҳолат, барча туғма рахит, жароҳат, куйиш ва бўйин, кўкрак қафаси, умуртқа ва оёқларнинг идиопатик бузилиши; кифозлар, лордозлар, кифосколиоз, қоматнинг бузилиши, кўкрак қафаси, умуртқа ва оёқлар деформацияси, ясси оёқ панжаси, оёқ панжалари фалажи; таянч-ҳаракатланиш аъзоси ривожланиши аномалияси, бўғимлар деформацияси, артрозоартритлар, бўғимлар рекурвацияси, жисмоний ривожланишдан орқада қолиш; остехондропатия, хондродистрофия; полиомиелит ва менингоэнцефалитга чалингандан кейин болалар церебрал фалажида таянч-ҳаракатланиш аъзоларининг барча патологиялари, гемипорезлар, плегиялар, монопорезлар, Эрб-Дюшен фалажи, полирадикуоневритлар);

психик ривожланишда орқада қолаётган болалар (ақлий орқада қолиш, жиддий ақлий орқада қолиш, психик ривожланишининг кечикиши);

нуқсонлари мураккаб бўлган болалар (ривожланишда икки ва ундан ортиқ нуқсонга эга бўлган болалар).

II. Комиссиянинг мақсад ва вазифалари

5. Комиссиянинг мақсади — 2 ёшдан 7 ёшгача жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни аниқлаш ва уларни тегишли типлар бўйича муассасага жойлаштиришдан иборат.

6. Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни уларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) иштирокида кўриқдан ўтказиш;

жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни кўриқдан ўтказишда улар билан бево-сита мулоқот қилиш ва улардаги нуқсонларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш;

боланинг жисмоний ёки ақлий ривожланишидаги нуқсонлари ҳақида яшаш жойидаги шифохона шифокорлари томонидан қўйил-

ган ташхиснинг ишончилигини ўрганиш;

боланинг жисмоний ёки ақлий ривожланишидаги нуқсонига қўйилган ташхис тасдиғини топса, уларни тегишли типлар бўйича муассасаларга юбориш;

жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг муассасада қанча бўлиш мuddатини белгилаш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари билан ҳамкорликда жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш.

III. Комиссия таркибининг шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

7. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, вилоятлар халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими ва соғлиқни сақлаш Бош бошқармаларининг қўшма буйруқларига асосан ташкил этилади.

8. Комиссия таркиби — раис, раис ўринбосари, аъзолари ва котибдан иборат таркибда шакллантирилади.

9. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирининг — комиссия раиси, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошлиқ ўринбосари — комиссия раисининг ўринбосари ҳисобланади.

10. Комиссия раиси: комиссия ишини ташкиллаштиради;

иш жадвали ва режасини тасдиқлайди;

комиссия йиғилиши бўладиган сана, вақт ва жойини белгилайди;

комиссия йиғилишларида раислик қилади;

комиссияга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича комиссия аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиради;

комиссия фаолиятида раҳбарликни амалга оширади.

11. Комиссия раиси бўлмаган ҳолларда (меҳнат таътили, касаллик туфайли ва бошқа сабаблар) унинг вазифаларини комиссия раисининг ўринбосари бажаради.

12. Комиссия таркибига олий махсус психологик-педагогик маълумотга ҳамда 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган психоневролог, педиатр, дефектолог (логопед, сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог), психолог, ортопед, окулист

шифокорлар киритилади.

13. Комиссиянинг таркиби, қоидага кўра, тоқ сондаги камида 7 нафар аъзодан иборат бўлади.

14. Комиссияда иш юритишни ташкил этиш котиб томонидан амалга оширилади. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг мактабгача таълим бўйича му-тахассиси комиссия котиби ҳисобланади.

15. Комиссия котиби иш юритиш учун масъул ҳисобланади, ўтказилиши режалаштирилаётган комиссия йиғилишини ташкиллашти- ради ва йиғилиш тўғрисида барча аъзоларни хабардор қилади.

16. Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда, комиссия йиғилиши қарор қабул қилиш учун ваколатли ҳисобланади. Комиссия йиғилиши раис томонидан тасдиқланган режага асосан, бир ойда камида бир марта ўтказилади.

17. Комиссия аъзолари комиссия ишида иштирок этади. Комиссия томонидан қарор қабул қилишда овоз беради. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади, уларнинг овозлари тенг бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

18. Комиссия йиғилиши натижасида қарор қабул қилади ва у баённома шаклида расмийлаштирилади. Баённома комиссия раиси, раис ўринбосари, аъзолари ва котиб томонидан им-золанади.

IV. Комиссия томонидан ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш

19. Комиссия хулосасини олиш учун ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (икки нусхада);

боланинг отаси ёки онасининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) паспорти нусхаси (икки нусхада);

яшаш жойидаги психоневролог, дефектолог, оторинолог, ортопед, окулист шифокорларнинг бола нутқидаги нуқсонини, унинг эшитиш ва кўриш, таянч-ҳаракатланиш аъзосидаги нуқсонлари бўйича қўйилган ташхислари (асли ва нусхаси);

бола умумий типдаги муассасага қатнаган бўлса, унинг жисмоний ёки ақлий ривожланишига берилган, муассаса мудирининг имзо-си ва муҳри билан тасдиқ-

ланган тавсифнома (асли ва нусхаси).

Комиссияга юборилаётган болаларга яшаш жойидаги шифокор (тор мутахассислар)лар томонидан қўйилган ташхис шифохона бош шифокори (у бўлмаган ҳолларда унинг ўринбосари)нинг имзоси ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

20. Комиссияга тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига уни имзолаган шифокор (тор мутахассис) ва тасдиқлаган бош шифокор (унинг ўринбосари) ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар шахсан жавобгар ҳисобланади.

21. Комиссия аъзолари томонидан жисмоний ёки ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болаларни кўриқдан ўтказишда улар билан бево-сита мулоқот қилишда ва улардаги нуқсонларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш натижасида уларнинг нуқсонига қўйилган ташхис тасдиғини топса, уларни тегишли типлар бўйича муассасаларга юбориш юзасидан хулосалар берилади.

22. Комиссия қарорига асосан, ота-оналар(ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га бир ҳафта мuddатда хулоса берилади.

23. Хулосада болага қўйилган аниқ ташхис ва муассасада бўлиш мuddати кўрсатилади.

V. Болаларнинг муассасада бўлиш мuddати

24. Нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар (алалия, болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудукланиш, рухий-нутқий ривожланишда орқада қолиш) муассасада уч ёшдан бошлаб икки йилгача бўлишлари мумкин.

25. Комиссия боланинг муассасада бўлиш мuddати тугагандан сўнг, унинг шу муассасада қолиш мuddатини узайтириши ёки умумий типдаги муассасага ўтказиши мумкин.

26. Мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган тоифадаги болалардан бошқа тоифадаги болалар муассасада мuddатсиз бўлишлари мумкин.

VI. Якуний қондалар

27. Комиссия фаолияти устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

28. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ

Сана : 28 июль 2010 йил

Кредит рақами : 2191 - UZB (SF) – “Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” лойиҳаси.

Шартнома номи : Электрон ахборот-таълим ресурсларини етказиб бериш.

1. Ушбу тендерга таклиф Осий Тараққиёт Банкнинг 2005 йил 8 ноябрдаги «ОТБ бизнес имкониятлари» 1-сонли нашридаги Умумий харид эълони асосида тайёрланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳасини молиялаштириш мақсадида Осий Тараққиёт Банкнинг 2191-ЎЗБ (МФ)-сонли кредити маблағларини жалб этган ва ушбу маблағлар ҳисобидан республика умумтаълим мактаблари учун Электрон ахборот-таълим ресурсларини харид этишни режалаштирган.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги лаёқатли иштирокчилардан Электрон ахборот-таълим ресурсларини етказиб бериш бўйича муҳрланган тендер таклифларини қабул қилади.

- L01** - Электрон дарсликларини етказиб бериш – 6-синф ўқувчилари учун она тили (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун).
- L02** - Электрон дарсликларини етказиб бериш – 7-синф ўқувчилари учун она тили (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун).
- L03** - Электрон дарсликларини етказиб бериш – 7-синф ўқувчилари учун ўзбек тили (таълим рус ва қардош тиллардаги мактаблар учун).
- L04** - Электрон дарсликларини етказиб бериш – 8-синф ўқувчилари учун қорақалпоқ тили (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун).
- L05** - Электрон дарсликларини етказиб бериш – 9-синф ўқувчилари учун қорақалпоқ тили (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун).
- L06** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 6-синф ўқувчилари учун физика фанидан лаборатория ишлари.
- L07** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 7-синф ўқувчилари учун физика фанидан лаборатория ишлари.
- L08** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 8-синф ўқувчилари учун физика фанидан лаборатория ишлари.
- L09** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 9-синф ўқувчилари учун физика фанидан лаборатория ишлари.
- L10** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 6-синф ўқувчилари учун биология фанидан лаборатория ишлари.
- L11** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 7-синф ўқувчилари учун биология фанидан лаборатория ишлари.
- L12** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 8-синф ўқувчилари учун биология фанидан лаборатория ишлари.
- L13** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 9-синф ўқувчилари учун биология фанидан лаборатория ишлари.
- L14** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 7-синф ўқувчилари учун химия фанидан лаборатория ишлари.
- L15** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 8-синф ўқувчилари учун химия фанидан лаборатория ишлари.
- L16** - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини етказиб бериш – 9-синф ўқувчилари учун химия фанидан лаборатория ишлари.

Маҳсулотларнинг тўлиқ тафсилотлари Тендер ҳужжатларида келтирилган.

4. Маҳаллий тендер савдолари Осий Тараққиёт Банкнинг **Бир босқичли: икки-конвертли** тендер ўтказиш тартиб-қоидалари асосида ўтказилади. **Тендерда ОТБ азоси бўлган мамлакатлардан бўлган корхона ва ташкилотларгина иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.**

5. Тендерда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотлар юқоридаги маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тендер ҳужжатларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзил бўйича, **соат 09:00 дан 17:00 гача**, душанбадан жумагача мурожаат этишлари мумкин.

6. Тендер ҳужжатлари инглиз ва ўзбек тилларида бўлиб, иштирокчилар уларни ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилга ёзма ариза билан мурожаат этганда ва **250000 (икки юз эллик минг) сўм** маблағни ёки ушбу маблағнинг АҚШ долларларидаги қийматини қуйидаги банк реквизитларига ўтказганидан кейин олишлари мумкин:

Сўмда тўлаш учун:	Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ТИА МБ Марказий Амалиёт бўлими х/р 20203000400101044008 МФО 00882 ва ИНН 202122808
АҚШ долларларида тўлаш учун:	Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ТИА МБ Марказий Амалиёт бўлими х/р 20203840800101044005 МФО 00882 ва ИНН 202122808

Хорижий қатнашчилар тендер ҳужжатларини харид қилиш учун **250000 (икки юз эллик минг) сўм** маблағнинг АҚШ долларларидаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича юқорида келтирилган ҳисоб рақамга ўтказиб бериши лозим. Тендер ҳужжатлари ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилдан олиниши мумкин.

7. Барча таклифлар ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилга **2010 йилнинг 30 август** куни Тошкент вақти билан **15:00дан** кеч қолмасдан топширилиши шарт. Таклифларда ҳар бир лот учун 500000 (беш юз минг) сўм миқдордаги таклиф кафолати бўлиши шарт. Яъни, агар қатнашчи ҳамма лотлар учун таклиф топширса 8000000 (саккиз миллион) сўм миқдорда таклиф кафолати тақдим этиши зарур. Хорижий қатнашчиларнинг таклиф кафолатлари юқорида келтирилган миқдорларнинг таклиф кафолати санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича АҚШ долларларидаги эквивалентига бўлиши лозим. Кечиккан таклифлар рад этилади. Таклифлар қатнашишни истаган иштирокчилар вакиллари иштирокида **2010 йилнинг 30 август куни** Халқ таълими вазирлиги биносига **соат 15:30 да** очилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Азизхон Акрамов, Лойиҳа менежери

Мустақиллик майдони, 5-уй

1-қават, 108-хона

Тошкент шаҳри, 100078

Телефон: (998 -71) 239-48-02

Факс: (998 -71) 239-48-03

Электрон манзил: ictbep@uzpak.uz

INVITATION FOR BIDS

July 28th 2010

ADB Loan No. 2191 - UZB (SF)

INFORMATION AND COMMUNICATIONS TECHNOLOGY IN BASIC EDUCATION PROJECT.
SUPPLY OF ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES FOR BASIC EDUCATION SCHOOLS.

1. This Invitation for Bids follows the General Procurement Notice for this Project that appeared in the "ADB Business Opportunities", issue No.1 of 8th November 2005.

2. The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) toward the cost of the **Information and Communications Technology in Basic Education Project**, and it intends to apply part of the proceeds of this loan to payments under the contract for the **Supply of Electronic Educational Resources for Basic Education Schools**.

3. The Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan now invites sealed Bids from the eligible Bidders for the Supply of Electronic Educational Resources.

- L01** - Supply of Electronic Textbooks – Mother Language for schools with education in Karakalpak language for 6th grade students
- L02** - Supply of Electronic Textbooks – Mother Language for schools with education in Karakalpak language for 7th grade students
- L03** - Supply of Electronic Textbooks – Uzbek Language for schools with education in Russian or allied languages for 8th grade students
- L04** - Supply of Electronic Textbooks – Karakalpak Language for schools with education in Karakalpak language for 8th grade students
- L05** - Supply of Electronic Textbooks – Karakalpak Language for schools with education in Karakalpak language for 9th grade students
- L06** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Physics for 6th grade students.
- L07** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Physics for 7th grade students.
- L08** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Physics for 8th grade students.
- L09** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Physics for 9th grade students.
- L10** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Biology for 6th grade students
- L11** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Biology for 7th grade students
- L12** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Biology for 8th grade students
- L13** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Biology for 9th grade students
- L14** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Chemistry for 7th grade student
- L15** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Chemistry for 8th grade student
- L16** - Supply of Multimedia Electronic Educational Resources – Laboratory works on Chemistry for 8th grade student

Details and specifications are provided in the Bidding Documents.

4. National Competitive Bidding will be conducted in accordance with ADB's **Single-Stage: Two-Envelope** procedure and is open to all Bidders from the eligible countries.

5. Interested eligible Bidders may obtain further information from the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan and inspect the Bidding Document at the address given below, from **9:00 am to 5:00 pm, from Monday to Friday**.

6. The Bidding Document, in Uzbek and English languages, may be purchased by the interested Bidders on the submission of a written application to the address given below and upon payment of a non-refundable fee of **250000 UZS** (two hundred and fifty thousand Uzbeks Sums) or equivalent amount in USD to the following bank accounts:

For payments in local currency:	Bank Account No.20203000400101044008 Bank Code: 00882, ID No. 202122808 Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan
For payments in USD:	Bank Account No.20203840800101044005 Bank Code: 00882, ID No.202122808 Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan

International bidders shall pay the equivalent of **250000 UZS** (two hundred and fifty thousand Uzbeks Sums) in USD at the exchange rate established by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan on the date of execution of the payment. The method of payment shall be a direct deposit to the specified account. The Bidding Documents can be picked up at the address given below.

7. Bids must be delivered to the address given below at or before **3:00 pm** Tashkent time on **30th August 2010**. A Bid security shall be required. All Bids must be accompanied by a Bid Security in the amount of 500,000 (five hundred thousand) sums for each lot. Thus for all lots the Bid security must be in the amount of 8,000,000 (eight million) UZS. International Bidders' Bid Security may be in USD at the exchange rate established by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan on the date of issue of the Bid Security. Late bids shall be rejected. Bids will be opened in the presence of the Bidders' representatives who choose to attend at **3:30 pm** on **30th August 2010** at the following address:

The Ministry of Public Education

Conference Hall, 2nd floor

5 Mustakillik sq.

Tashkent, Uzbekistan

8. The Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan will not be responsible for any costs or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation or delivery of Bids.

The Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan

A.Akramov, Project Manager

1st Floor, Room 108

5 Mustakillik sq.

Tashkent, 100159

Republic of Uzbekistan

Telephone: (998-71) 239-4802;

Fax: (998-71) 239-48-03


E-mail: ictbep@uzpak.uz

ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ХИКМАТИ

Кембриж университети олимлари финляндиялик ҳамкасблари билан биргаликда таълим олиш ақли заифликка қарши жуда яхши самара эканини тасдиқлашди, деб ёзади «Дейли Телеграф» нашри.

Мутахассислар 872 нафар иштирокчини «Европада эпидемиологик паталогик изланишлар» лойиҳаси доирасидаги кенг қўламли тадқиқотга жалб этишган. Натижалар инсон қанчалик ўқимишли бўлса, унинг ақли заифлик касаллигига дучор бўлиши ҳолати шунчалик кам учрашини кўрсатди. Бунинг устига, илмга бағишланган ҳар бир йил хотира ва фикрлаш қобилиятларининг сусайиши хавфини камайтириши ҳам таъкидланди.

Олимлар «маърифатли» мия эгалари, шунингдек, Альцгеймер касаллигига ҳам деярли учрамаслигини аниқлашган. Уларнинг айтишича, ақли заифлик (деменция) 65 ёшда катта инсонларда кўпроқ кузатилади. Касалликнинг ривожланишига кўп маънода кексалик сабаб бўлса-да, ортиқча вазн, танада холестерин модда даражасининг юқори бўлиши, қанд диабетини ҳам унга олиб келувчи омил ҳисобланади. Мутахассисларнинг мазкур йўналишда изланиш олиб боргани бежиз эмас. Маълумотларга кўра, бугун биргина АҚШда 5,3 миллион, бутун дунёда эса 37 миллион инсонга ақли заифликнинг турли шакллари ташхиси қўйилган. Буюк Британияда ушбу кўрсаткич 800 минг кишини ташкил қилади. Ачинарлиси, олимларнинг тахминларига кўра, 2050 йилга келиб бундай инсонлар сони 115,4 миллионга етиши мумкин. Шу боис улар таълим олиш, мунтазам равишда илмий салоҳиятни кучайтириб бориш ишларини янада кенгроқ тарғиб қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлашмоқда.




ҲАРОРАТ БАРҚАРОРЛИГИГА БОҒЛИК

Илм-фандан маълумки, тропик ҳудудлар бутун Ер юзининг атиги 10 фоизини эгалласа-да, бу ерда сайёрамиз аҳолисининг 70 фоизи истиқомат қилади. Шу сабаб тропик биохилма-хилликка кўп эътибор қаратилади. Эндиликда аниқланишича, биологик турфа хилликни йил давомида барқарор ҳарорат таъминлар экан. Бу ҳақида «Лайф Сайнс» манбаси маълум қилди.

Изланиш пайтида турли даврларда сайёрамизнинг ҳар хил кенгликларига яшаган ҳашоратлар ўрганилди. Якунда иқлим исмиши ёки куёш нурлари биохилма-хилликка тўсқинлик қилувчи асосий омиллар эмаслиги эътироф этилди. Қолаверса, турфа хилликда бугунги кун дунёси ўн миллион йиллар олдингидан анча ортада қолаётгани ҳам аниқланди.

— Хилма-хилликнинг кенгликларга қараб кузатилиши омили илмий равишда 150 йилдан бери тан олинади, — дея изоҳ берди Гарвард университети биолог олими Брайан Фаррелл. — Тадқиқотимиз орқали бундан 34—56 миллион йил илгари Ерда фасллар алмашинуви бўлмаган даврда, ҳаттоки ҳарорат энг паст ҳудудларда ҳам бу омил умуман ҳеч қандай роль ўйнамаганини белгилади. Чунки ўша пайтда тропик пальма дарахтлари ва тимсоҳлар ҳаттоки арктик кенгликларда ҳам кузатилган. Демак хулоса шуки, биохилма-хилликнинг камайиши иссиқ об-ҳаво туфайли эмас. Аксинча, бу қиш фаслидаги энг паст ҳарорат ва ёздаги об-ҳавонинг энг баланд кўрсаткичи ўртасидаги тафовутга боғлиқ.




ҲАШОРАТЛАР ҲАЗОНРЕЗГИГА ҚАРШИ

Франсуа Рабле номидаги университет (Франция) биологлари ҳашоратлар баргларнинг сўлиб қолишига йўл қўймаслигини аниқлашди. Бу ҳақида «Просидингз оф Роял Сосаэти» эълон қилди.

Даставвал олимлар олма дарахти барглари орасида умргузаронлик қилувчи Phylloxera vitifoliae номли майда ҳашоратларни кузатган. Аниқланишича, улар танасидаги бактериялар ҳазонрезги пайтида ҳам дарахт баргларининг яшил ҳолда сақланиб қолишига ёрдам берар экан. Ўз навбатида, япроқлар ҳашоратларнинг яна бир ой давомида ҳаёт кечириши учун замин яратади.

Мутахассислар аввалига ҳашорат бактериялари таркибида ҳужайраларнинг бўлинишига олиб келувчи микроорганизмлар бор, деган фикрни илгари сурган. Сўнг тахмин қанчалик тўғри эканини текшириш мақсадида ҳашоратлар танасига антибиотик модда киритилган. Дори ҳашорат танасидаги микроорганизмларни нобуд қилган ва шу тариқа ўсимликларнинг яшнашига кўмак берувчи гормон ишлаб чиқилишини тўхтатган.

— Тадқиқот туфайли тирик организм табиий равишда бактерия билан «ҳамкорлик» қилган ҳолда мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини топганига гувоҳ бўлдик, — деди бу борада Кимёвий экологик институти (Германия) ходими Йен Болдуин.



КЎЗ ТЕЛЕСКОПИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ?!

АҚШ маҳсулотлар ва дори-дармонлар назорати бошқармаси томонидан кўз касалликларидан бирини самарали даволаш мақсадида имплантант телескопдан фойдаланишга рухсат берилди. «Физорг» манбасида келтирилишича, ускуна сариқ доғ (кўз тўрпардасининг кўриш нерви олдидаги энг сезгир жойи) тўқималарида модда алмашинуви бузилган беморлар учун мўлжалланган.


Мутахассислар мазкур хасталикни яна сариқ доғ дистрофияси деб ҳам атайдилар. Бунда беморларда марказий кўриш қобилияти кескин равишда ёмонлашади. Айти кунда касалликни даволашда тутқичи бор ёки кўзойнакларга мустақамланган катта ва ноқулай оптик телескоплардан кенг фойдаланилади. Унинг ёрдамида кўриш марказида турган объект тўр парда ҳажми билан тенг равишда катталашган ҳолда акс эттириб берилади. Натижада, тасвирлар анча ойдинлашади ва кўриш майдонидидаги маълум кичик қисмгина аниқ тасвирланмайди.

«Вижнкейэр Офталмик Текноложиез» компанияси томонидан ишлаб чиқилган янги турдаги телескопнинг узунлиги 4,4, диаметри — 3,6 миллиметрга тенг ва ускуна кўз гавҳари ўрнига кўриш органига жойлаштирилади. Вақт ўтиши билан мослама кўзнинг энг тиниқ муғуз пардаси оптик хусусиятлари туфайли тасвирни 2,2—2,7 маротабагача катталаштириб акс эттириши мумкин. Мутахассислар янги ускунани текшириш тажрибаларига 200дан ортиқ кўнгилиларни жалб этишди. Якунда уларнинг 90 фоизи кўз ўткирлиги жадвалида аввалгига нисбатан камида икки поғона юқорилагани аниқланган. Қолаверса, беморларнинг тўртдан уч қисмида касалликнинг оғир шаклидан ўрта даражага ўтиш кузатилган.

Шундан сўнг Назорат бошқармаси оптик ускунани 75 ёшдан ошган ва сариқ доғ дистрофиясининг оғир шакли аниқланган беморларни даволаш учун қўллашга рухсат берди. Айти пайтда бошқа беморларга ҳам кўмак бериш учун янги даволаш методикасининг самараси ва хавфсизлигини тасдиқловчи яна қатор изланишлар олиб борилиши муҳокама этилаётти.

СТОУНХЕНЖНИНГ ЁҒОЧ «НУСХАСИ»

Инглиз археологлари навбатдаги хенж — думалоқ шаклдаги чуқурлик атрофида барпо этилган ёдгорликни топишди. Улар ўртага ташлаган фикрга кўра, археологик топилма ёғоч устунлар билан ўралган бўлиб, у шаклан мамлакатдаги машҳур Стоунхенж ёдгорлигига ўхшайди, деб ёзади «Гардиан» газетаси.



Тадқиқотчилардан бири, Бирмингем университети олими Винс Гэфни янги тарихий топилма Стоунхенждан бор-йўғи 900 метр узокликда жойлашганини маълум қилди. Ҳозирда бу икки иншоот деярли бир пайт, яъни бундан 5 минг йил олдин барпо этилган, деган тўхтамага келинди.

— Кўпчилик Стоунхенж Буюк Британиядаги тош асри маданиятининг энг гуллаган даври намунаси, деган фикрда. Лекин бугунга келиб мазкур қарашлар у даражада тўғри эмаслиги ўз исботини топмоқда, — дея таъкидлайди олим. — Топилма биз ҳали кўп нарсадан бохабар эканимизни кўрсатапти.


Янги топилган ёдгорлик қадимда инсонлар қиш ва ёзда Куёш туриши ҳолатига кўп аҳамият берганини яна бир қарра тасдиқлади. Боиси ушбу, хенж Стоунхенж каби дунё томонларига қараб қурилган: ёдгорликка кириш йўллари шимоли-шарқ ва жануби-ғарбдан экан.

Ёдгорлик «Стоунхенж» халқаро лойиҳа доирасидаги ишлар пайтида топилган. Ундан кўзланган мақсад 14 квадрат километрни эгаллайдиган қадимий иншоотнинг харитасини тузишдан иборат. Келгусида олимлар юзлаб тош ҳайкал ва тупроқ кўрғонлардан ташкил топган ёдгорликнинг асл ҳолатини тўлиқ тиклашга умид боғлашмоқда. Эътиборлиси, бунинг учун қазилма ишларини ташкиллаштиришга ҳожат йўқ. Айти пайтда тадқиқ этилаётган майдонга геофизик ускуналар ўрнатилиб, улар ёрдамида ер тагида нима борлигини ортиқча қийинчиликларсиз аниқлаш мумкин.

Н. РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

НОМАЪЛУМ ТУРАР ЖОЙ ТОПИЛДИ

Болгариялик археологлар бир нечта тарихий жойлари ЮНЕСКО томонидан Бутундунё мероси объеклари рўйхатига киритилган Иваново шаҳри яқинида қадимий турар жой қолдиқларини аниқлашди. «Нововинит» манбасида қайд этилишича, тарихий шаҳар 8 минг йил илгари барпо этилган, деган тахмин илгари суриляпти.



Олимлар тадқиқот пайтида қизиқ ҳолатга дуч келишди. Аниқроғи, улар шаҳар кўчалари ўша даврга хос бўлмаган тарзда аниқ режа асосида қурилган, бу ерда ҳаттоки икки қаватли уйлар ҳам қад кўтарганига гувоҳ бўлишди. Қадимий манзилгоҳ баландлиги 5 метрга тенг девор билан ўралган ҳам экан.

— Ҳудудда топилган кулолчилик буюмлари юқори сифати билан ажралиб туради, — деди Шумен вилояти тарих музейи илмий ходими Светлана Венелинова. — Улар ўша даврдаги бошқа шаҳарлар кулолчилик намуналари билан солиштирилганида ҳеч бирига мутлақо ўхшамаслиги яққол сезилди.

Мутахассиснинг сўзларига қараганда, археологик қазилма ишлари ҳали якунига етганича йўқ. Шунга қарамай, электр-магнит тўлқинлар ёрдамида ўтказилган тажрибада унинг қурилиши нисбатан кейинги даврдаги Юнонистон шаҳарларига жуда ўхшар экан. Топилган сопол буюмлар ва меҳнат қуролларига таянган ҳолда олимлар бу катта аҳоли яшаш манзилгоҳи бўлганига шубҳа қилмаяпти. Шунингдек, улар топилма сўнгги йиллардаги энг йирикларидан бири бўлганини ҳам таъкидлашган.

Халқ таълими вазирлиги 2011-2012 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-, 4-, 5-, 8-, 9-синфлари учун янгидан яратиладиган дарсликлар ва ўқув-методик комплексларини ишлаб чиқиш мақсадида муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Куйидаги дарслик ва ўқув-методик комплекслар танлов бўйича ўтказилади:

Т/р	Фанлар	Синфлари	Нашр этиш тиллари
1	Одобнома	1	Таълим ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
2	Меҳнат таълими	1	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
3	Русский язык	4	Таълим ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
4	Математика	4	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
5	Табиатшунослик	4	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
6	Одобнома	4	Таълим ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
7	Тасвирий санъат	4	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
8	Меҳнат таълими	4	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
9	Русский язык	5	Таълим ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
10	Тарихдан ҳикоялар	5	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
11	Математика	5	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
12	Тасвирий санъат	5	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
13	Меҳнат таълими	5	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
14	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	8	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
15	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	9	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
16	Ўзбек тили	5	Таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
17	Алифбе (A'lipbe)	1	Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун
18	Ёзув дафтари	1	Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун
19	Она тили (Ана тили)	1	Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун
20	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	1	Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун
21	Қозоқ тили (Қазақ тили)	5	Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун
22	Адабиёт (Эдебиет)	5	Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун

23	Она тили (Забони модари)	1	Таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар учун
24	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	1	Таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар учун
25	Тожик тили (Забони тоҷикӣ)	5	Таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар учун
26	Адабиёт (Адабиёт)	5	Таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар учун
27	Она тили (Эне тили)	1	Таълим қирғиз тилида олиб бориладиган мактаблар учун
28	Ўқиш китоби (Оқуу китеби)	1	Таълим қирғиз тилида олиб бориладиган мактаблар учун
29	Қирғиз тили (Кыргыз тили)	5	Таълим қирғиз тилида олиб бориладиган мактаблар учун
30	Адабиёт (Адабият)	5	Таълим қирғиз тилида олиб бориладиган мактаблар учун
31	Она тили (Ene dili)	1	Таълим туркман тилида олиб бориладиган мактаблар учун
32	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	1	Таълим туркман тилида олиб бориладиган мактаблар учун
33	Туркман тили (Turkmen dili)	5	Таълим туркман тилида олиб бориладиган мактаблар учун
34	Адабиёт (Edebiyat)	5	Таълим туркман тилида олиб бориладиган мактаблар учун

Танлов Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар асосида ўтказилади.

Танловда таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини яратиш тажрибасига ҳамда ушбу фан йўналиши бўйича тегишли олий маълумотга эга бўлган жисмоний шахслар, кадрлар салоҳиятига эга илмий ва ўқув ташкилотлари қатнашиши мумкин. Танловда қатнашиш истагини билдирган жисмоний шахслар, яъни олимлар, методистлар, ўқитувчилар ва ташкилотлар тенг ҳуқуқли иштирокчи ҳисобланади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган қатнашчилар танлов асосида янги яратилиши зарур бўлган дарслик ва ўқув-методик комплекслар концепцияси (0,5 босма табоқча), ўқув адабиётларининг режа-проспекти (бўлимлар ва мавзулар мазмунининг тезисли баёни, 1 босма табоқча) ҳамда дарслик ва ўқув-методик қўлланманинг белгиланган битта бобининг намуна матнини Танлов комиссиясига **2010 йил 26 август** куни Тошкент вақти билан соат **14:00** га қадар топшириши керак.

Танловда қатнашиш истагида бўлган шахслар Танлов ҳужжатларини **2010 йилнинг 28 июлидан** бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат **10:00 дан 16:00** гача куйида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

Танлов таклифлари **2010 йил 27 август** куни соат 15:00 да куйида келтирилган манзилда барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб **90 кун** ичида амалда бўлади.


Танловда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар танловга тегишли қўшимча маълумотларни куйидаги манзилдан олишлари мумкин:

Тошкент ш. Фурқат кўчаси, 174-уй, Республика таълим маркази. Алоқа учун телефонлар: 227-04-12, 245-18-50.

ҚАЛБ АЗИЗ, ҚАЛАМ АЗИЗ

Умр нима? Умр сиру синоатларга тўла ўнқир-чўнқир, пасту баланд, баъзида равон, баъзида сўқмоқли ёлғизоёқ йўлкалардан иборат йўл аслида! Бу йўлни қай тариқа босиб ўтиш эса одамзоднинг қалби ва қаноатиға боғлиқ. Ана шу йўл кишини кўп бора синовдан ўтказиш баробарида катта имконларни ҳам ҳадя этадики, улардан қай тариқа фойдалана билмоқ ҳам юқорида қайд этганимиздек, инсоннинг зиммасидадир. Кўпчиликка меҳр кўрсатмоқ, кимларнидир ёруғ манзиллар томон йўллаш билмоқ, кимлардан хурмат-эътибор топишга эришмоқнинг ўзи ана шу йўл берган имконлардан энг оқилона фойдаланмоқнинг маъсулидир.

Карманалик шоир ва журналист Одил Ҳотамов, таъбир жоиз бўлса, қалб ва қаламни ардоқлаб эларо иззат-икром топаётган ижодкорлардан. Унинг фаолияти бевосита Навоий вилояти Кармана туман газетаси билан чамбарчас боғлиқ. У журналист сифатида турли долзарб мавзуларни ўртага ташлаш баробарида, ўзига хос истеъдоди ва тинимсиз ижодий изланишлари мевасиди бўлган бир қатор шеърини рисолаларини чоп эттирди. Қаламқашнинг яна бир фазилати шогирдларига ғамхўрлиги, улар билан ишлашдан эринмаслиги, толмаслиғидадир. Одил Ҳотамовнинг бу хизматлари тахририят ҳузурида ташкил этилган "Ёш мухбирлар мактаби"да яққол намоён бўлди. Тўғарак машғулотлари бир гуруҳ карманалик ижодкор ёшлар учун журналистиканинг илк сабоқларини берди. Уларнинг матбуот олами сари би-



ринчи қадамлари ёш мухбирлар мактаби орқали ташланди. Одил аканинг сабоқларидан баҳраманд бўлиб, услуби, ижодий салоҳиятига эга бўлган қаламқашлар ҳозирда вилоят, республиканинг нуфузли матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситаларида хизмат қилмоқда.

Маҳоратли журналист камтарин ва камсуқумлиги, ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан адо этиши, жонкуяр ва ташаббускорлиги билан ҳам ҳамиша шогирдларига ибрат бўла олди.

Қалам кўнгилда бор кечинмаларни изҳор этади. Сатрлар дилнинг изҳорларидир. Одил Ҳотамов бир шеърда ёзади:

*Оқилларни мақтагувчи оқин бўл,
Одамларнинг юрагига яқин бўл.
Кўнгилларни ёритувчи чақин бўл,
Чақинлардай адо бўлгил, юрагим.*

Шоир бу мисралари орқали инсонийликни улуғлашга, меҳр-оқибатни азиз тутишга ундайди ўқувчисини. Унинг шеърларини ўқир экансиз, бетакрор қиёслар, тасвирларга дуч келасиз. Бу сатрлар нақадар кўнгилнингизга яқин кечинмалар эканига амин бўласиз. Унинг "Ватан" шеърда ана шундай юрагингизнинг тубтубидаги аҳду паймон жам:

*Тонгларинг — толеим, боғларинг — бахтим,
Шамолнинг шонимдур, тоғларинг — тахтим,
Беморинг — кулфатим, соғларинг — шахдим,
Юриб йўл бўлсам ҳам йўлим сендадир.
Фарзанд деб аталган кўлим сендадир.*

Одил Ҳотамов ҳамиша ижод заҳматларига ошно. Унинг қалб ва қаламини азиз тутиб яшаётган умрига барака, ўзига тан-сихатлик тилаймиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1271-сонли қарорининг 85, 86, 91-бандлари ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари учун соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга йўналтирилган плакатлар мажмуини харид қилиш бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов савдоларида Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ҳамда сифат ва баҳо борасида харидоригар маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳамда мазкур йўналишдаги плакатлар мажмуини тайёрлаш тўғрисида янада батафсил маълумот олиш учун куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:

100159, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Телефонлар: (8-371) 239-19-58, 239-10-86, 239-16-65

Факс: (8-371) 239-11-41.

Шунингдек, танловда иштирок этиш истагини билдирганлар Халқ таълими вазирлигига 2010 йил 6 август соат 16:00 дан кечикмаган ҳолда ўз таклифларини тақдим этишлари лозим. Кўрсатилган муддатдан кечикканларнинг мурожаатлари инобатга олинмайди.

ЗАМОНАВИЙ СПОРТ КОШОНАСИ

Мақтаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури асосида 2005 йили мукамал таъмирланиб, қўшимча 315 ўринли ўқув биносига эга бўлган Урганч шаҳридаги 1-мактабда жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 5-ТИП лойиҳа бўйича спорт мажмуаси бунёд этилмоқда. Лойиҳа қиймати 193 миллион сўмга яқин бўлган спорт мажмуасида «Ноиб мармар» курилиш корхонасининг қўли гул усталари астойдил меҳнат қилишмоқда. Бир ярим минг нафардан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олаётган мактабдаги яратувчанлик ишларидан кўнгил завқланади. Тез орада мактабда ҳукуматимиз томонидан ёшларимизнинг соғлом ва баркамол ўсиши учун қилинаётган эътиборнинг бир намунаси сифатида улар орзу қилаётган замонавий спорт кошонаси қад ростлайди.

Умуман олганда, шу кунгача вилоятда тўққизта намунавий лойиҳа бўйича янги спорт иншоотлари барпо этилди, 40та мактаб учун

спорт зали қурилди. Йигирмага яқин спорт объекти мукамал реконструкция қилинди. Воҳада жорий йилда ҳам манзилий дастур-

Bolalar sporti

га мувофиқ кўплаб объектларни қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Айни кунда эса вилоятдаги бешта мактабда спорт зали қурилиши қизғин давом этаётир. Мазкур саъй-ҳаракатлар барчани аллақачон ҳаётий ҳақиқатга айланаиб улгурган бир фикр: спорт — бу жисмоний чиниқиш мактаби, гўзаллик ва соғломлик манбаи эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилишга ундайди.


Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири



АЛОНСО — ФОЛИБ, АММО...

Германияда ўтказилган «Формула-1» мусобақаларининг 11-босқичида «Феррари» жамоаси вакили Фернандо Алонсо Гран-при соҳиби бўлди. Иккинчи ўринда марра чизигини Алонсонинг шериги Фелипе Масса, учинчи бўлиб эса Себастьян Феттель («Ред Булл») кесиб ўтди.

Чемпионатда биринчилики қўлдан бой бермай келаётган Люис Хэмилтон маррага тўртинчи бўлиб этиб келди ва умумий ҳисобда пешқадамликни давом эттирмоқда.



Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Алонсо ҳамда унинг жамоаси ушбу мавсумда иккита муҳим галабага эришди.

Шундай қилиб, 11-босқич натижаларига кўра, умумий ҳисобда: 1-ўринни Хэмилтон — 157 очко билан, 2-ўринни Баттон (143), 3-ўринни Уэббер (136), 4-ўринни Феттель (136), 5-ўринни Алонсо (123) эгаллаб турибди.

Венгрияда ўтказиладиган Гран-при учун кенчадиган баҳс 30 июлдан 1 августга қадар бўлиб ўтади.

ВЕЛОПОЙГА — АЛОХИДА ДУНЁ

Испаниялик таниқли спортчи Альберто Контадор жаҳонга машҳур «Тур де Франс» велопойғаларида учинчи марта голибликни кўлга киритди. Яқшанба кuni Парижнинг Елисей майдонида «Тур де Франс» кимўзарлари ўз якунига етди, дея хабар тарқатди француз нашрлари.

Анъанага кўра, сўнгги босқичда умумий ҳисобда олдинги погоналарда бораётган спортчилар бир-бири билан яккама-якка баҳсга чиқишмайди. Боиси, спорт фақат медаллар ва қимматбаҳо совринлар учун эмас, аввало дўстона алоқаларни мустаҳкамлаши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Контадор 15-босқичда қозонган галабаси туфайли асосий рақиби люксембурглик Энди Шлекни ортда қолдириб, етакчиликини ўз қўлига олди. У Шлекдан 31 сония илгарироқ марра чизигини кесиб ўтди.



БРАЗИЛИЯ ИМКОНИЯТ ҚОЛДИРМАДИ

Эркалар ўртасида волейбол бўйича Аргентинада ўтказилган жаҳон лигаси турнирида муҳлислар ажойиб баҳсининг гувоҳи бўлишди. Финал баҳсида Даниэль Банныли шогирдларидан иборат жамоа — руслар турнирнинг амалдаги чемпиони — Бразилия устидан галаба қозона олмади.

Яқуний ҳисоб — 1:3 (22:25, 22:25, 25:16, 12:25), «сарик иблислар» фойдасига ҳал бўлди. Голибликни кўлга киритишга муваффақ бўлган Бразилия жамоаси 1 миллион доллар микдордаги соврин эгасига айланди.



Учинчи ўрин учун Сербия ва Куба терма жамоалари беллашди. Матч натижаларига кўра, Сербия термаси 3:2 (28:30, 25:20, 22:25, 25:22,

15:12) ҳисоби билан кубаликларни енгди.

Волейбол бўйича 2010 йилги жаҳон лигаси якунида рус спортчилари — Максим Михайлов «Энг яхши ҳужумчи» номинациясида тенгсиз деб топилган бўлса, Дмитрий Мусерский «Энг яхши ҳимоячи» бўлди.

СЎНГИ ИККИ ҲАФТА ИЧИДА

Америкалик теннисчи Марди Фиш Атлантада ўтказилган ютуқ соврини 531 минг долларни ташкил этувчи турнирда галаба қозонди. Финал матчида у ўз ватандоши Жон Иснер устидан 4:6, 6:4, 7:6 (7:4) ҳисоби билан устунликка эришди.

Матч 2 соат 45 дақиқа давом этди. Шуни айтиш лозимки, сўнгги икки ҳафта ичида Фиш иккинчи марта биринчиликини кўлга киритди. Ушбу турнирдан бир неча кун олдин у Ньюпортеда ўтказилган турнирда ҳам голибликни кўлга киритган эди. Ушунда у белгиялик Оливье Рохусуни уч сет натижаларига кўра, 5:7, 6:3, 6:4 ҳисобида доғда қолдирганди.

Фиш бу мусобақада ютуқ фонди 442,5 минг долларни ташкил этувчи соврин билан тақдирланганди.

Шаҳина ЖҲРАЕВА тайёрлади.

ЁЗ — ОЗ, АГАР ЎТСА СОЗ!

Айни мавсумда «Баркамол авлод йили» муносабати билан жойларда ўқувчи-ёшларни спортнинг оммавий турларига жалб этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва улар ўртасида ўзаро дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ёзги таътилдаги бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Ёз-2010» тадбирлари ўтказилмоқда.

Тошкент вилояти Паркент туманида ҳам мазкур спорт мусобақалари ташкиллаштирилди ва унда юзлаб ўғил-қизлар ўз куч ва имкониятларини синовдан ўтказиш баробарида янги дўстлар ҳам орттиришди.

Туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Ёз-2010» спорт мусобақалари кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Ҳал қилувчи палларга тайёргарлик кўриш жараёнининг ўзиёқ туманининг тоғли, баҳаво гўшаларида кечгани учунми ўқувчи-ёшлар асосий беллашувларда чинакам шижоат кўрсатишга интидилар.

12—21 июль кунлари бўлиб ўтган баҳсларда туманининг энг эпчил, энг чабдаст ва чаққон бўлиш билан бирга, зукко ўқувчилари синовга чорлан-

ди. Спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, кўл тўпи, стол тенниси, шахмат ва белбоғли кураш турлари бўйича ўтган мусобақаларда мактаб жамоалари фаол иштирок этди.

«Ёз-2010» спорт мусобақаларида тумандаги мавжуд 48та мактабдан жамоалар иштироки таъминланган бўлса, туман финал босқичига қадар санокли муассаса вакиллари этиб келди ҳамда ҳал қилувчи баҳсларда жами 720 нафар ўқувчи (уларнинг 216 нафари қиз) голиблик учун баҳсга киришди.

Баскетбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтган учрашувларда 1-ўрин 2-мактаб жамоасига на сиб қилган бўлса, бу борарада 31-мактаб қизларига тенг келаётган топилмади.

Белбоғли кураш бобида паркентлик полвонларнинг олдида тушадигани республикамизда ҳам камдан-кам топилди. Айниқса, истиқлол йилларида яратилган қулайликлардан унумли фойдаланган паркентлик курашчилар маҳаллий ва халқаро турнирларда илғорлар қаторига қўшилди. Туманда курашга ихлоси баланд ёшлар тобора кўпаймоқда. Белбоғли кураш бўйича ўтказилган беллашувларда туманининг Чанги қишлоғида жойлашган 11-мактабнинг полвон болалари умумжамоа ҳисобида биринчиликини кўлга киритди.

Волейбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги 39-мактаб ўқувчиларидан ўзадиган бўлмади. Улар 7-мактаб жамоасини доғда қолдириб, туман голибига айланди. Қизлар ўртасидаги волейбол баҳсларида эса 6-мактаб жамоаси 39-мактаб волейболчи қизларини енгилга муваффақ бўлди.

Футбол баҳсларида 31-мактаб жамоаси зафар қучган бўлса, стол теннисиди ҳам 31-мактаб

ўсмирлари ва қизлари 1-ўринни банд қилди.

Ақл гимнастикаси — шахмат мунозараларида 11-мактаб шатранжчилари устунликка эришган бўлса, 2-ўрин яна 31-мактаб жамоаси номига ёзиб қўйилди. Кўл тўпи мусобақаларида ўсмирлар ўртасида 1-мактаб жамоаси, қизлар ўртасида эса 10-мактаб жамоаси биринчи ўринга лойиқ натижани кўрсатди.

Ёзда кунлар чўзилиб, ойлар гўё узундек туюлса-да, вақтимизни мазмунли ўтказолсак, жуда ҳам оздек кўринади. Ана шундай самарали ишга чоғланган туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда умумтаълим мактаблари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган «Ёз-2010» спорт мусобақаларининг финал босқичида голиб ва совриндорлар қаторидан жой олган болаларга диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари берилди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

ХАТОЛАРНИ ТЎҒРИЛАБ...

— 2004 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўрта Осиё чемпионатида қатнашиб, 2-ўринни эгаллагандим. Бу менинг илк жиддий галабам эди. Шундан кейин шохсупанинг энг юқори погонасини эгаллаб, мураббийларимнинг чинакам мақтовига сазовор бўлиш учун астойдил ҳаракат қила бошладим.

Голибликдан ҳаволанмай, балки ўз хатоларини англаган ҳолда олдинга интилаётган ёш спортчи Улуғбек Мухсимов Сергели туманидаги Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей ўқувчисидир. У каратэ бўйича бир неча мартаба Ўзбекистон биринчилигида, 2006 йили Украина шаҳрида ўтказилган МДХ очик чемпионати, 2007 йили Хиндистоннинг Бомбей шаҳрида бўлиб ўтган Осиё биринчилиги ҳамда 2009 йили Италиянинг Удине шаҳрида клублараро жаҳон чемпионатларида мамлакатимиз номидан муваффақиятли қатнашган.

11 йилдан бери каратэ билан шуғулланаётган Улуғбек ҳозир

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Ёшлиғидан спорт билан шуғулланиш уни нафақат чиниқтирди, балки барча ишларини ўз вақтида қилишни, елкасида катта масъулият ҳисси борлигини, эришаётган ютуқлари фақат ўзиники эмаслигини эътироф этишга ҳам ўргатди. Айни пайтда Улуғбек биргина спорт билан шуғулланиб қолмай, ҳозир у инглиз тили ва тарих фанларини чуқур ўрганишга ҳам бел боғлаган. Чунки хорижий мамлакатга борганида шу юртнинг маданияти ва аҳолиси билан яқиндан танишиш учун аввало чет тилини ўрганиш муҳим эканини тушуниб етди.

Европа ва Осиё мамлакатларида ўтаётган ҳар бир мусобақа олдида қаҳрамонимиз телеэкран орқали уни кузатиб турган яқинлари ва юрти ишончини оқлаши лозимлиги ҳақида ўйлайди. Бу фикр эса уни тинимсиз равишда изланиш ва доимо олға интилишга ундайди. Ҳозир спортчи юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун август ойида Сингапурда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ҳамда октябрь ойида Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинлари мусобақасига алоҳида тайёргарлик кўрмоқда. Ўзига талабчанлик ҳисси жуда юқори бўлган ёш чемпион айнан шу хусусияти орқали ҳали кўплаб галабаларга эришса, нежаб.

Камола ИСМОИЛОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Болаларнинг ёзги таътил мавсумини музқаймоқсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Музқаймоқ олиб беринг!» — деб хархаша қилаётган фарзандингизга «Йўқ, томоғинг оғриб қолади», дейишга шошилманг. Меъёрида ва тўғри истеъмол қилинган ширинлик нафақат зарарсиз, балки фойдали ҳамдир.

Музқаймоқнинг пайдо бўлиш тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Авваллари фақат зодагонлар истеъмол қилган ушбу мазали егуликни бугунги кунга келиб исталган озиқ-овқат дўконидан топиш мумкин. Ҳаво ҳарорати юқорилагани сари, одамларнинг музқаймоқ истеъмол қилишга эҳтиёжи ҳам ортиб бораверади.

ТОМОҚНИ МУЗҚАЙМОҚ БИЛАН ДАВОЛАЙМИЗ

Музқаймоқ таркибида, асосан, қаймоқ, сут, шакар ҳамда турли меъёрлаштирувчи қўшимча(стабилизатор)ларни учратиш мумкин. Юқорида номлари санаб ўтилган моддалар аралаштирилиб, -25—30° С даражасида музлатилади. Натижада, кўп миқдордаги калорияга эга бўлган маҳсулот — музқаймоқ ҳосил бўлади. Витамин(A, B, D, C, E) ва минераллар (темир, магний, калий, фосфор, натрий)га бой. Уларнинг миқдори музқаймоқ турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.



Россия музқаймоқ тайёрловчилар қўмитаси директори В.Ёлқовнинг айтишича, мазкур ширинлик ёзнинг жазирама кунларида тана ҳароратини тушириб, инсондаги энергияни тиклаш хусусиятига эга.

Олимларнинг сўнгги изланишлари шуни тасдиқлайдики, музқаймоқ кишини диққинафаслик, кўнгил ғашлиги, тушкунлик ҳолатларидан қутқаради. Тажрибалар давомида музқаймоқ еб турган 50 нафар одамнинг бош мия фаолияти замонавий ускуналар ёрдамида текширилди. Тадқиқотлар музқаймоқ миянинг хурсандчилик ҳамда яхши кайфият учун «жавобгар» худудларига таъсир қилишини исботлади.

Кўпинча музқаймоқ ангина, тонзиллит, гайморит, фронтит сингари касалликлар билан оғрийдиган беморларга тавсия қилинмайди. Лекин айрим шифокорлар томоқ билан боғлиқ касалликларни музқаймоқ ёрдамида даволаш тарафдоридирлар.

Танани совуқ ҳароратда чиниқишга ўргатганимиз каби томоқни ҳам бундай муолажаларга кўнктириш мумкин. Музқаймоқни доимий равишда истеъмол қилиш иммунитетни ҳосил қилади ва томоқ паст температурага мослашиб боради. Фақат бундай машқларни аста-секинлик билан амалга оширган маъқул.

ҚАЙ БИРИ ФОЙДАЛИРОҚ?

Барчамиз музқаймоқни севиб таноув қиламиз, унинг турлари ва фойдали хусусиятлари ҳақида у қадар кўп маълумотга эга эмасмиз. Гап шундаки, сифати пастроқ музқаймоқ ҳам, ялтироқ қоғозларга ўралган, сифатли музқаймоқлардан кўринишдан фарқ қилмай қолади. Шу боис, фарзандлари

учун музқаймоқ харид қилишга отланган ота-оналар куйидаги фактларни биллиб қўйсалар, айна муддао бўларди.

Таркибидаги ёғ миқдорига қараб, музқаймоқлар бир неча турга ажратилади:

Пломбир. Ёғлиги 15—18% бўлган ушбу маҳсулот тўлиқ сутдан тайёрланади. Парҳезшунослар бу турдаги музқаймоқнинг барча фойдали ингредиентлари организмга бутунлай сингиб кетишини маълум қилади. Санитария-эпидемиология талабларига кўра, пломбир таркибидаги озиқ-овқат қўшимчалари умумий оғирликнинг 35 фоизидан ошмаслиги керак.

Қанд миқдори — 14%, калорияси — 200—340 ккал. Ёдингизда тутинг, барча ўрамдаги музқаймоқлар оғирлиги — 100 грамм.

МУЗҚАЙМОҚ

фойдалими ёки..?



Қаймоқли музқаймоқ. Ёғ миқдори — 10%.

Статистика маълумотларга қараганда, бу турдаги музқаймоқ энг харидоргир маҳсулотлардан бири экан. Уни ҳаддан ортиқ ширин таъмга ўч бўлмаган одамлар хуш кўради.


Қанд миқдори — 15%, калорияси — 180—290 ккал.

Сутли музқаймоқлар. Ёғлиги — 6—10%.

Бу музқаймоқ парҳез маҳсулотлари сирасига киради. Вазнига бефарқ бўлмаган, ортиқча ёғлар қоматига зиён етказишни истамайдиган кишиларга айнан сутли музқаймоқларни тавсия этиш билан бирга, улар қандли диабет ёки семизликдан азият чекаётган беморлар саломатлиги учун бироз хавфли эканини таъкидлаб ўтамиз. Чунки сутли музқаймоқлар таркибида бошқа музқаймоқларга қараганда қанд кўпроқ(20%). Калорияси — 130—250 ккал.

Мева музқаймоқлар. Таркибидаги мева тури(олма, олча, ананас, банан, ўрик, қулупнай)га қараб, хилма-хил кўринишда бўлади. Тоза парҳез

маҳсулотлари сирасига киради, асосини мева куйкаси ёки шарбати ташкил этади. Қанд миқдори — 26—30%. Калорияси 200—230 ккал.



фатли музқаймоқ вафлилари тишлаганда қисирлаган товуш чиқаради.

Карамель. Унинг таркибида бўлган шакардан бошқа бирор нарса бўлмайди. Кичик ёшдаги болаларни карамель қўшилган музқаймоққа ўргатмаганингиз маъқул. Шундагина сиз унинг тишлари тамоман соғлом бўлишига имкон яратасиз.

Музқаймоқ ўралган қоғозни кўздан кечирар экансиз, кўплаб сунъий қўшимчаларнинг номи сизни ажаблантириши табиий. Масалан, стабилизаторлар музқаймоқнинг яхши сақланиши ва дастлабки кўринишини йўқотмаслиги учун жуда зарур. Бу модда желатин, пектин, крахмал ва бугдой унидан тайёрланади.

Музқаймоқ харид қилишдан аввал унинг сақланиш мuddатига эътибор беринг. Аксарият ҳолларда, у 6 ойни ташкил этади. Қачон ишлаб чиқарилганлиги ва қанча мuddат сақлаш мумкинлиги ҳеч қерда қайд этилмаган музқаймоқни харид қилмасангиз, ўзингизга фойда.


Мева музқаймоқлар. Бошқача айтганда, мева шарбати ёки ичимликнинг музлатилгани. Бу музқаймоқни тайёрлашда сут, шакар, меъёрлаштирувчи қўшимчалар, озиқ-овқат кислоталари, хушбўй ва ранг берувчи моддалардан фойдаланилади. Ягона ютуғи — калориясининг пастлиги.

У ЯНА ГОЛИБ!

Музқаймоқ янада мазали ва чиройли кўриниши учун унга турли озиқ моддалари ёрдамида «безак» беришади. Масалан, музқаймоқ устидаги шоколад, аникроги, **глазур** — какао ва сут аралашмасидан ҳосил бўлади. Баъзан глазур ўрнини какао ёғи билан тўлдиришади.

Қуруқ мевалар(майиз, туршак ва бошқалар). Жумладан, витаминлар, микроэлементлар, минераллар ва оксилга бой бўлган ёнғоқни кўплаб музқаймоқлар таркибида учратишимиз мумкин.

Вафли — жўхори уни ва тухумдан тайёрланган маҳсулот. Янги ва си-



Мана, ёзнинг энг иссиқ кунларида жонимизга ора кирувчи музқаймоқ ҳақида оз бўлсада маълумотга эга бўлдингиз. Музқаймоқ яна голиб! Дарвоқе, уни истеъмол қилиб бўлганч, қоғозини йўл устига эмас, ахлат қутисига ташлаш кераклигини унутманг!

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббийт фанлари доктори,
профессор

<p>Ma'rifat</p> <p>TA'SIS ETUVCHILAR:</p> <p>O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rtta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p>Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV</p>	<p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p>	<p>«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p>
	<p>Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOVA (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV</p>	<p>INDEKS: 149, 150. G-622. Tiraj 27800. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p>	<p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p>	<p>Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.</p>
		<p>Navbatchi muharrir: Qurbonboy MATQURBONOV. Navbatchi: Zohidjon XOLOV.</p>	<p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rtta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rtta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 23.30 Uza yuhni — 22.00</p>